



Мазкур Конституциянинг бирорта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.
Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

16
(761)-son

20-aprel

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

СОКСС – 2006

Кабел ўғирлигини санокли лаҳзаларда аниқлаб берадиган "СОКСС-2006" тизими Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида яратилган. Тизим кабел линиялари иш фаолиятини доимий назорат қилиб туради. Линиялардаги содир бўлган узилишлар ёки носозликларни дарҳол бошқарув пултига сигнал орқали, чора кўрилмаса, овоз чиқариб хабар беради.

Ушбу тизим дастлаб Тошкент шаҳрида синовдан ўтказилган эди. Кутилганидек самара бергани боис уни мамлакатимиз шаҳар ва туманлари алоқа тизимида ҳам жорий этиш тавсия этилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА
БИРИНЧИ

«Technoprosistem» интернет-провайдери, «East Telecom» ва «ColorIPTV» компаниялари Ўзбекистонда биринчи бўлиб янги ва ўзига хос телекоммуникация маҳсулоти – Triple play хизматини тақдим этди.

Triple play – бу битта абонент тармоғи бўйича интернет, телефония ва IP-телевидение деганидир. Яъни битта уланиш орқали юқори тезликдаги TPS интернет тармоғи, East Telecomнинг замонавий телефон линияси ҳамда ColorIPTVнинг тасвир ва овоз жиҳатидан юқори сифатли IP-телевидение хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Ушбу сонда:

ЛИЗИНГ
ШАРТНОМАСИ
КУЧГА КИРДИ

2-БЕТ ➔

ОВУЛЛАРАРО
МАНЗИЛЛАР
САРИ

5-БЕТ ➔

АКМЕОЛОГИЯ —
НОВАЯ НАУКА

6-БЕТ ➔

КОМПЮТЕР
САВОДХОНЛИГИ

11-12-
БЕТЛАР ➔

БОКС ТАРИХИДА
ЯНГИ САХИФА

16-БЕТ ➔



МОБИЛ ДУНЁСИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРТИРАДИМИ?

Хаётимизга телевидение кириб келганига узоқ вақт бўлгани йўқ. Ёши улғуроқ кишилар биринчи телевизор қанақа бўлганини, телекўрсатувлар қай тарзда узатилганини яхши эслашади. Ўтган қисқа давр мобайнида телевидение шунчалик тараққиётга эришдики, эндиликда телекўрсатувларни нафақат телевизор, балки мобил телефонлар орқали ҳам кўриш мумкин бўлиб қолди.

3-БЕТ ➔

JUMADAN — JUMAGACHA

● HAMKORLIK UFQLARI

✓ Жорий йилнинг 17-19 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Хусний Муборак таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Учрашув чоғида томонлар Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, ўзаро қизиқ бўлган халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунлари бўйича турли соҳаларда икки давлат ҳамкорлигини чуқурлаштиришга йўналтирилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов 12 апрел куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Испания Кириллигининг ташки ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигел Анхел Моратиносни қабул қилди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕХХТ муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

✓ Матбуотда “Р.Ш. Чагаевни “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда “Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг “Универсиада - 2007” спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ва “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди.

✓ 2007 йил 17 апрел куни республика Ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилга мўлжалланган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди.

✓ Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси давлат савдо вазири Жайрам Рамеш раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси иштирок этди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармонларининг кооперацияси биржа-сида эса муайян лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича бевосита музокаралар ўтказилиб, амалий ишга киришишга оид тадбирлар белгилаб олинди.

✓ Пойтахтимизда ЕАРАЗА — Европа-Осиё хайвонот боғлари ва аквариумлари худудий уюшмасининг навбатдаги йиллик анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмағида ўтказилган тадбирда Россия, Чехия, Украина, Беларусь, Қозғистон каби ўндан ортиқ мамлакатнинг эколог, зоолог, биолог олимлари иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда табиати асраб-авайлаш, минтақадаги экологик барқарорлик ва мувозанатни сақлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

АТ “Алоқабанк” ва Хитой тараққиёт банки ўртасида Кредит битими тузилди. Жорий йилнинг 17 апрел куни пойтахтимизнинг “Интерконтинентал” меҳмонхонасида ўтказилган тадбирда АТ “Алоқабанк” бошқаруви раиси Коммуна Ирисбекова ва Хитой тараққиёт банки бош директори Ю Сяопин ҳамкорлик тўғрисидаги ушбу ҳужжатга имзо чекишди.



ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ КУЧГА КИРДИ

Тадбирда Хитойнинг республикамиздаги элчихонаси, Тараққиёт банки делегацияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, АТ “Алоқабанк” ҳамда “Ўзбектелеком” АК вакиллари иштирок этишди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларини замонавий технология қурilmалари билан жиҳозлаш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини ривожлантиришга нафақат соҳа миқёсида, балки ҳукумат даражасида эътибор берилганлиги айтилганлиги қанчалик долзарблигини кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ри-

вожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида”ги Қароридан бу борадаги лойиҳаларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб этиш, жумладан, лизинг фаолиятини кучайтириш лозимлигига алоҳида урғу берилган. Айтилганда Хитой тараққиёт банки ва Huawei Technologies Co. Ltd (Хитой) компанияси иштирокида умумий қиймати 21283,7 минг АҚШ доллари қийматидаги “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини лизинг асосида амалга ошириш ишлари бош-лаб юборилди.

Инвестиция лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком Мобайл” филиалнинг CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа тармоғини кенгайти-

риш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона ва Жиззах шаҳарлари телекоммуникация транспорт тармоғини реконструкция қилиш, Тошкент шаҳри маҳаллий телекоммуникация тармоғини NGN (кейинги авлод тармоғи) ва TDM (каналларни вақт бўйича ажратиш) технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш ва ривожлантириш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари коммутиция тармоғини ҳамда “Ўзбектелеком” АК коммутиция станцияларини реконструкциялаш кўзда тутилган.

Юқоридаги лойиҳа доирасида АТ “Алоқабанк” ва Huawei Technologies Co. Ltd ўртасида телекоммуникация усунчаларини етказиб бериш ва кейинчалик уни “Ўзбектелеком” АКга лизинг асосида бериш юзасидан қиймати 18313,52 минг АҚШ доллари га тенг шартнома мавжуд. Ушбу шартноманинг 85 фоизи (15566,49 минг доллар) Хитой тараққиёт банки “Алоқабанк”га тақдим этилган, қайтариш муддати 8 йил бўлган кредит ҳисобига, 15 фоизи (2747,03 минг доллар) “Алоқабанк”нинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Битимни имзолаш тантанали маросимдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири



● IJTIMOIIY HIMOYA YILI DAVLAT DASTURI AMALDA

Хайрли йил шарофати

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан амалга оширилаётган ишлар кўлами кун сайин кенгаймоқда.

“Навоий Телеком” филиали томонидан уруш қатнашчилари ва фахрийлар, биринчи гуруҳ ва чернobilчи ногиронлар ҳамда байналмилал жангчилар учун алоҳида имтиёз яратилди. Улар Ижтимоий ҳимоя йили Давлат Дастурининг 87-банди бажарилиши асосида телефон абонент тўловларининг 50 фо-

изидан озод қилиндилар.

Ижтимоий ҳимоянинг ушбу тўридан фойдаланаётганлар қаторида филиалда узок йиллар меҳнат қилган алоқачиларнинг ҳам борлиги соҳа ходимларининг сидқидилдан ишлашларини таъминламоқда.

— 1620 нафар фахрий ва ногиронга берилган юқоридаги имтиёз

учун, — дейди бўлим бошлиғи Фароғат Балқубоева, — 1,5 миллион сўм ўрнига 2,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Ёки биринчи чоракда белгиланган режа 160 фоизга бажарилди.

Қорхонада ижтимоий ҳимоя борасида яна бир хайрли иш йўлга қўйилди: энди ногирон фарзанди бор ишчи-хизматчиларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

Маруся ҲОСИЛОВА

OBUNA — 2007

ЎХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Xabar»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!



BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

“ШЕРОБОД—МУФТА АНГОР” АМАЛДА

Сурхондарёда рақамлаштириш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. “Эксімбанк” (Хитой) кредити асосида лойиҳалаштирилган ишлар тобора жадал тус оляпти.

“Бойсун-Қашқадарё чегараси” ҳамда “Бойсун-Шеробод” йўналиши бўйича оптик-толали кабел ётқизиш жараёни айна авж паллада. “Шеробод-Муфта Ангор” йўналишидаги лойиҳанинг амал қила бошлаганига эса санокли кунлар бўлди.

Хозир бу зарбдор ишга 25 нафар қурувчи жалб қилинган. Уларнинг кунлик меҳнатида юқори сифат таъминланмоқда.

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда.)

Авалло, уяли телефоннинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида бироз сўз юритсак. Мобил телефонларнинг оммавийлиги ва хизмат кўрсатиш доираси шу даражада ривожланиб бораётки, ҳозирда уяли телефон нафақат оддий сўзлашув қурилмаси, балки ёндафтар, соат, почта ва интернет, аудио ва видеоплеер, фото ва видеокамера, компьютер ва ҳоказо вазифаларни бажарувчи мураккаб технологияга айланиб улгурди. Натижада, уяли телефон кўпгина технология ва хизматларнинг ўрнини забт этмоқда. Ёшларнинг қўл соатдан, аудиоплеер ва фотоаппаратлардан фойдаланиши камайиб борапти. Ҳатто хориж мамлакатларида оддий телефонларга бўлган эҳтиёжнинг пасайиб бораётгани қатор компанияларни ташвишга солмоқда. Европанинг энг йирик — “Дойче Телеком” ва “Франс Телеком” операторлари сўнгги беш йил давомида турли иқтисодий инқирозларни бошдан кечиришди. Бунга уяли алоқа бозорининг жадал ривожланиб бораётгани ҳам сабаб бўляпти. Мобил телевидениенинг пайдо бўлиши эса уяли алоқа бозорининг янада тараққий этишига замин яратди.

Албатта, мобил телевидениеси бизда ҳали фаолият бошлагани йўқ. Аммо бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларида яхшигина йўлга қўйилган ушбу хизмат туридан олинмаган дарomad 2009 йилга бориб 11,4 миллиард еврога етар экан. Айна пайтда дунё бўйлаб 120дан ортиқ уяли алоқа оператори томонидан мобил телевидение хизмати жорий этилган.

Кейинги пайтларда “Мобил дунёси телевидениени бутунлай ўзгартирдими?” деган савол тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу мунозарали масала бўлса-да, унинг пайдо бўлишига етарли асослар бор. Яқин пайтларгача “Мобил олами мусиқани бутунлай ўзгартирди” деган ибора қўлланб келинардан ва бу ҳақиқатда ўз исботини топиб бормоқда. Эндиликда ижрочилар оддий қўшиқдан кўра уяли телефонлар учун мулкаланган турли хил рингтонлар, сингллар яратиш, кўпроқ дарomad топиш-

моқда. Утган йили айнан мусиқий имкониятлари кенгайтирилган телефонлар энг харидоргир маҳсулотга айланди. Шундай туркумга кирувчи Walkman “музафон”ини сотувга чиқариш натижасида SonyEricsson компанияси мобил телефонлари ишлаб чиқарувчилар орасида етакчилардан бирига айланди.

Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Apple компанияси томонидан iPhone телефони сотувга чиқарилади. Бундан мобил мусиқаси sanoatida сезиларли силжиш амалга ошириш кутилмоқда. Утган йили мобил мусиқаси кўчириб олиш учун мижозлар 9 миллиард доллар маблағ сарфлашган. Бу мисолларга ажабланмасак ҳам бўлади. Чунки, ўзимиз ҳам

МОБИЛ ДУНЁСИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРТИРАДИМИ?

гувоҳ бўлиб турибмиз — қайси бир транспортга чиқмайлик ёки кўча-кўйдаги кўлоғига “наушник” тақиб олган ёшларни учратамиз. Бизда ҳозирча телефондан плеер ўрнида европалар катори фойдаланилма-са-да (Буюк Британияда 40 фоиз, Германияда 34, Италияда 32, Испанияда 29 ва Францияда 23 фоиз), улар сонини ҳам ҳам деб бўлмайди.

Мобил телевидение ҳам мусиқа оламидаги муваффақиятларни такрорлай оладими? Уяли алоқа sanoati вакиллари бунга ишонч билан қарашмоқда. Ericsson компаниясининг ижрочи директори Карл-Генрих Свенберг 2006 йил мобил телеузиш соҳасида катта ўзгариш бўлганлигини таъкидлади. Янада сифатли ва катта экранли телефонларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, тармоқ тезлигининг оширилиши мобил телевидениенинг оммавийлигини янада оширади. Тахминларга кўра, ушбу хизматдан фойдаланувчилар сони 2010 йилга бориб 170 миллион кишига етар экан.

Айна пайтда Европада мо-



бил телевидениесини ривожлантиришга жиддий киришилган. Бунга сабаб — биринчи лойиҳалар ишга тушган пайтдаёқ унга мижозлар томонидан катта қизиқиш билдирилган. Мисол учун, 2006 йили ўтган футбол бўйича Жаҳон чемпионатида Германия, Италия ва Финландияда тармоққа талаб жуда юқори бўлган. Навбатдаги марра 2008 йилги Олимпия ўйинлари ҳисобланади.

Мобил телевидение камчилик ва муаммолардан ҳам холи эмас. Ҳамма ҳам ойлик тўлов (уртача 15-30 доллар) ҳисобига телевизор қўришни истамайди. Бундан ташқари эфир сифати ҳам айтарлиқ яхши эмас. Шундай бўлгандан кейин одамларда: “Бу ёқда телевидениени бепул қўриш имконияти турганда, нега ТВ учун пул тўлашим керак?” деган савол туғилади-да. Лекин аҳоли орасида пулик кабел телевидениеларига ҳам эҳтиёж катта-ку! Verizon Wireless оператори томонидан йўлга қўйилётган янги лойиҳа — мобил телевидениеси сифат бўйича ҳеч қандай ТВдан қолишмаслиги айтилмоқда. Бироқ хизмат нархи аввалгидек анча қimmat. Мобил телевидениесининг глобал муваффақиятини таъминлаш учун ушбу хизматга бошқача ёндашиш лозим бўлади.

Ақсарият мутахассислар уяли телефон телевидениеси реклама берувчилар ҳисобига текин бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Бунга етарли асослар бор. Мобил рекламаси ҳозирда шу даражада оммалашяптики, яқин орада теле ва радио рекламаларни қувий ўтиши ҳақ гап эмас. Ҳатто ўзимиз ҳам бунга қўшиқиб бораёلمиз (бирор қўшиқчи маълум сумма эвазига телефоннингизга кўчириб олишингиз мумкинлигини билдирувчи SMSларнинг келиши ва ҳоказо).

Мобил рекламаси эвазига телефондан текинга фойдаланиш йўлга қўйилётгани ҳам бу йўналиш катта имкониятлар

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Бандихон почта алоқаси тармоғи замонавийлаштирил- гач аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлиги тубдан яхшиланди.

Айна пайтда почта жўнатмаларини қабул қилиш, саралаш жараёнлари тез ва соз бажарилмоқда. Коммунал тўловларни йиғиш, интернет ва электрон почта хизматларида фойдаланиш борасида сезиларли ўзгаришларга эришилди. Бозор муносабатларига ўтиш даврига мос бундай янгиликлардан мижозлар мамнун бўлишмоқда.

Бу йил Бандихонда яна иккита алоқа бўлими жаҳон андозлари даражасида замонавийлаштирилади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

TATU HAYOTIDAN

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ

Тошкент ахборот технологиялари университети-нинг телекоммуникация технологиялари факултетида “Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигига қарши кураш” мавзuida тадбир ўтказилди. Уни университетнинг маънавият-тарбия ишлари бўйича проректори Б.Омонов кириш сўзи билан очди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ОИТС маркази шифокори М.Муҳамедова, 5-тери-таносил касалликлари диспансери шифокори С.Юсупова, Тошкент шаҳар наркодиспансери шифокори Г.Шарифуллиналар ОИТС касаллиги, гиёҳванд моддалар ва гиёҳвандликнинг зарари ҳақида сўз юритишди.

“Жиноятчилик ва ёшлар муаммолари” мавзuida Юнособод туман ИИБ бўлими бошлиги, подполковник Равшан Абдуллаев маъруза қилди. Гиёҳвандлик ва оғуфрушлик ёш авлод тарбияси-га, оила, ирсиятга катта зиён етказётгани бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётганлиги, бу офатга қарши кураш глобал вазифалардан бирига айланганлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнгидан талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Бобур ШОМАҚСУДОВ,
TATU талабаси

Алоқа оламида:

ЭНГ СЎНГИ ЯНГИЛИК

Экологик тоза маҳсулотлар, жумладан, ёғочдан ишланган машиш электроника қурилмалари харидорларнинг доими эътиборида бўлиб қолган. Яқинда ёш дизайнчи Симон Эневёр ўзи ёғочдан ясаган мобил телефон намойишини ўтказди.

Дизайнчи фақат ташки қўришни устидан ишлаш билан чекланмаган — телефон кўнгирақларини қабул қилиш, фото ёки видеокамерани ишлатиш ва ҳоказо ҳаракатлар силжувчи клавиатурадан фойдаланилмасдан, телефон аппаратининг ён томонидаги кўплаб тумчалар ёрдамида осон амалга оширилади.

Мавзу доирасида

Altimo компанияси Лондонда мобил алоқасининг ривожланиш индексини маълум қилди. Унга кўра, Ўзбекистон жаҳонда 9-ўринда турибди.

Ушбу маълумот 2002 йилдан 2006 йилгача бўлган давр мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида эълон қилинган. Шунингдек, биринчи ўнликдан Хитой, Хиндистон, Индонезия, Россия ва Украина каби мамлакатлар ўрин олган.

Мобил алоқаси ривожланиши бўйича Ўзбекистонга бундай юқори баҳо берилишига сабаб — аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиб бораётгани, операторларга яратилган имкониятлар ва мамлакатимизда уяли алоқа фойдаланувчилари сонининг тез суръатларда ошаётганидир.

2007 йилнинг биринчи чорак якунларига кўра, Ўзбекистонда уяли алоқа хизмати мижозлари сони 3 миллион 400 мингга етди ва ўсиш сурати 25 фоизни ташкил қилди. Сўнгги уч ойда мижозлар сони 680 мингга ошган.

Лутфилло ТУРСУНОВ

XALQARO HAYOT

ORAMIZDAGI ODAMLAR

ЭРОН ОСМОНИДА АҚШ САМОЛЁТЛАРИ

Эроннинг "Ал-Алам" телеканали АҚШнинг иккита ҳарбий самолёти мамлакат ҳаво кенгликларидида қоидабузарлик қилганлиги ҳақида хабар берган.



Айтишларича, қоидабузарлик нефт конлари жойлашган Хузистон музофоти осмонида содир этилган. Самолётлар порт шаҳар шарқий ҳаво чегараларини кесиб олган.

Ободоннинг жануби-шарқий ва Ироққа йўл ўтган

БОШ ВАЗИР ЖАРРОҲЛИК СТОЛИДА

"Интерфакс" хабарича, Грузия бош вазири Зураб Ногаидели Америкадаги клиникалардан бирга ётқизилган. Унинг юраги операция қилиниши керак.



Бу ҳақда вазирилик девони хизмати раҳбари Гия Зурабишвили маълум қилган. Жарроҳлик аввалдан режалаштирилганми ёки йўқми, у Америкадан қайтганидан сўнггина аниқ бўлади.

Тбилисидаги Республика клиник шифохонаси бошлиғи Ника Кипшидзенинг айтишича, Ногаидели юрагининг иккала клапани ҳам шикастланган ва улар титандан тайёрланганидан сўнги трансплантантга муҳтож. Профессорнинг фикрича, жарроҳликдан кейинги даволаниш ҳам етти-ўн кунга чўзилди.

Ногаиделини Хустондаги Муқаддас Луки клиникасида жарроҳ Чарлз Фрейзер операция қилади.

ХУРУЖ АВЖ ОЛМОҚДА

Афғонистоннинг Қандаҳор музофотида БМТ миссиясининг автомобили портлатиб юборилган. Reuters маълумотига кўра, беш нафар одам – тўрт непаллик ва бир афғон ҳалок бўлган.



Ушбу хунрезлик жавобгарлигини бирор-бир террорчилик ташкилоти зиммасига олгани йўқ. Аммо ҳукумат бунда "Толибон"нинг қўли борлигини таъкидламоқда. Чунки, кейинги пайтларда уларнинг хуружи кучайган.

Ҳафта бошида Кундуз шаҳрида террорчининг ўз-ўзини портлатиб юбориши оқибатида тўққиз киши қурбон бўлган эди.

Ўтган йили Афғонистондаги турли террорчилик ҳодисалари 4000 одамнинг умрига зомин бўлган.

ЖОСУС УЧУН 17 МИНГ ДОЛЛАР

Миср ҳукумати атом энергияси бўйича маҳаллий агентлик ходими Муҳаммад Сайид Собир Алини жосусликда айблamoқда.

На'aret газетасининг ёзишича, 35 ёшли бу шахс Миср ядро дастурига тааллуқли керакли ҳужжатларни ўғирлаганликда ва уларни Исроил агентига сотганликда гумон қилинmoқда. Миср Бош прокурори Хишам Бадавий ушбу ҳолат бўйича чақирилган матбуот анжуманида шу ишга алоқадор икки хориж фуқароси – япон ва ирланд қидирувга берилганини маълум қилди.

Айнан хорижлик прокурорлар – Широ Изо ҳамда Брайан Питерларнинг сўзларига кўра, Исроил разведкасини қизиқтирган маълумотлар учун мисрлик бу шахсга 17 миң доллар таклиф қилинган.

ПОЛ ВУЛФОВИЦ АЙБЛАНМОҚДА

Бутунжаҳон банки бошлиғи Пол Вулфовиц ҳали вазирасидан кетмокчи эмас. Бу ҳақда AP агентлиги хабар тарқатган.



Уз кўл остидаги ходимлари ишончини йўқотганликда айбланаётган Вулфовиц истеъфосини Банклар ассоциацияси аъзолари талаб қилаётган эди. Гап шундаки, таникли бу шахс коррупцияга аралашиб қолган. У ўзининг ақин таниши Шоҳи Ризонинг мансаби ва маошини жуда ошириб юборган. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича бош маслаҳатчи бўлиб ишлаган бу аёлга максимал кўшимчадан ҳам катта миқдорда – 61 миң доллар ҳақ белгиланган. Бундан ташқари, унинг раҳбарлик зиналаридан кўтарилишига яқиндан ёрдам берган.

Айни дамда Оқ уй томонидан Вулфовиц қатъий кўллаб-қувватланmoқда. Сабаби, ушбу лавозимга унинг номзодини 2005 йили шахсан Жорж Бушнинг ўзи тавсия қилган эди.

Интернет материаллари асосида Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Қатағонсаройлик Мадаминжон ДЕҲҚОНОВ 1970 йили ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, почтада ишлайдиган маҳалладоши Убайдулла акани учратиб қолди. Салом-алиқдан сўнг кўшни:

— Мадаминжон, сенга бир гап айтмайми? — деди.

— Майли, ака, кулоғим сизда.

ҳатлашганди, улар ҳам қаршилик қилишмади. Эҳтимол, ўшанда — хабарчининг чарм сумкасини илк бор елкасига осиб, дастлабки хат-хабарларни эгаларига етказганида ҳаёти шу соҳа билан чамбарчас боғланиб қолишини хаёлига келтирмагандир. Лекин бугун 60 ёшни қоралаб қолган Мадаминжон ака яна ўша кун қайтиб, ўша

ман. Улар билан кадрдондек бўлиб кетганмиз. Ахир, пенсия, нафақа, хат-хабар ёки газета-журнал баҳоносида тез-тез кўришиб тураемиз. Бир-биримизга меҳримиз баланд. Чунки, меҳр — кўзда.

Мадаминжон Деҳқонов нафақат маҳалладошлари ўртада обрў-эътибор қозонган, балки тумандаги почта ходимлари орасида ҳам илгорлар қаторида тилга олинади. Бу ҳақда Тўрақўрғон туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Дилбархон Холиқова шундай дейди:

— Тармоғимизда 21та алоқа бўлими бор. Мадаминжон ака раҳбарлигидаги бўлим Қатағонсарой кишлоқ фуқаролар йиғинининг 4та маҳалласидаги 11 миңдан кўпроқ аҳолига хизмат кўрсатади. Алоқа бўлимида 2006 йил якуни бўйича 6 миллион 231 миң сўмдан ортқ даромад қилишга эришилди. Бу режа 108 фоизга удраланди, дегандир. Янги йилнинг дастлабки ойларида ҳам барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижалар қайд этилди. Ижтимоий ҳимоя йилида аҳолининг талаб ва истакларини қондиришда мана шундай фидойи алоқачиларимиз мададига сўяниб, фаолиятимизни кучайтираемиз.

Раҳбар ҳақ. Тўғри, бир пайтлар оддий қабутлар ёрдами билан бошланган алоқа бугун замонавий телефон ёки электрон почта кўринишида тараққий топди. Аммо барибир унда Мадаминжон акадек жонқуярларнинг ўрни катта. Зеро, уларнинг меҳр билан кўрсатган хизматлари доимо бизга асқотаверади.

М.МИРЗОКИРОВ Наманган вилояти

Меҳр кўзда



— Кузатиб юрибман, хизматдан келганимга ҳам бир ой бўлди. Агар ўқиш ниятинг бўлмаса бизга ишга қирақол? Ўз қишлоғингда, ўзинг билган одамлар билан бирга ишлайсан. Уйлаб кўр-чи.

Табиатан камтар, ҳалол ва хушмуомала Убайдулла аканинг таклифи унга маълум келди. Ота-онаси билан масла-

таклиф билдирилса, яна шу йўлни танлашини қатъий ишонч билан таъкидлайди:

— Почтада ишлаб камлик кўрмадим. Ўғилларимни уйлаб-жойладим. Ўқитдим, касбланишарни қилдим. Оддий хабарчиликдан алоқа бўлими бошлиғи даражасига кўтарилдим. Хизмат қилаётган ҳудудимизда яшаётганларни яхши таний-

Жамиятимизда шундай бир касб борки, эгасидан доимо ҳаракатда, сергак ва заҳматкаш бўлишни талаб этади. Бу хабарчилик касбидир.

Ҳамфикр ҳамкасблар

Самарқанд вилояти марказидан 90 км. узоқликдаги "Нуробод" почта алоқаси тармоғида шундай шарафли касб фидойиларидан Иқлим ДОЛИЕВА исм-шарифли аёл ишлайди. У Иштихон туманининг Каттақатли қишлоғида туғилган. Ибн Сино номидаги 62-мактабни 1971 йилда биттириб, Нуробод туманининг марказига яқин бўлган Қиличчи қишлоғига келин бўлиб тушди. Иқлим оилага оз бўлса-да ёрдам қилиш учун турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиб, уйига яқин бўлган туман почта бўлимига иш сўраб борди. Бўлим раҳбари сўхбат чоғида унинг ҳаракатчан ва зийраклигига эътибор бериб хабарчилик вазифасида ишлашга таклиф қилди. Мана, 36 йилдирки, у эл хизматида. Кўпгина шоғирдларнинг устози, оилада севимли бека, саккиз нафар фарзанднинг онаси. Унинг хизматлари бесамар кетмади — бир неча марта вилоят почта қоронаси томонидан қимматбаҳо совғалар ва "Фахрий ёрлик"лар билан тақдирланди.

Иқлим опанинг шоғирди Шермадат МҰМИНОВ ҳам шу туманининг Янгиқишлоқ қишлоғида туғилган. Шермадат А.Набиев номидаги 1-мактабни тугатгач, отаси Омон акага хабарчилик касбини танлаганини айтди. Фарзандининг ниятини тушуинган ота газета ва хат-хабарлар олиб келган хабарчи Иқлим опани ёнига қақириб, ўғлининг шу касбга қизиқиши борлигини билдирди:

— Қишлоғимиз тоғли жой бўлса, маҳаллалар ораси анча узоқ. Ўғлим ҳали ёш, қийналиб қолмасмикан?

Отахоннинг яқин олиб, маслаҳатлашганидан хурсанд бўлган опа: — Ўғлингиз одобли, сергайрат йигит, уни яхши биламан,



агар Шермадат шу қарорга келган бўлса, унга ўзим ёрдам бераман! — деди.

Эртасига зарур ҳужжатларини олиб Шермадат билан бирга почта қоронаси бошлиғи Антон Ким олдига кирди ва барча гапларни тушуинтирди. Шермадат шу кун хабарчилик вазифасига қабул қилинди.

Мана, 21 йил бўлибдики, 4 нафар фарзанднинг отаси, аҳил оила бошлиғи Шермадат Мўминов устози Иқлим опа билан ҳамфикр ва ҳамнафас бўлиб, Маданият, Тинчлик, Далабоғ, Шўробод, Янгиқишлоқ қишлоқларидаги 400 нафарга яқин пенсионер ва миңдан ортқ хонадонга хизмат қилиб келяпти.

Вилоятимизнинг узоқ ва чекка туманларидаги ҳамкасбларимизнинг касбга меҳри, одамлар орасидаги ўрни, хизматлариға яраша олаётган эъзозидан биз ҳам фахрланамиз ва уларға кўтаринки қайфият, соғлиқ тилаймиз.

Зубайдулло ИБРОҲИМОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали ходими

QILMISH-QIDIRMISH

Баъзан киши номақбул ишга қўл урса бунга оилавий муҳитни сабаб қилиб кўрсатишга уриналади. Бироқ атрофдагиларнинг таъсири тўғрисида камроқ гапирмиз.

Қарши туманининг Лаганди қишлоғида истиқомат қилувчи Ғайрат Рўптил-лаев оилали. Бир фарзанднинг отаси. Унинг нафақат ишсиз юрганидан ҳам атрофдагиларнинг кўнгиллари хун эди.

Ғайрат Рўптиллаев ва унинг «сафдошлари» — Камолиддин Абдурасулов, Миркомил Раҳимов, Алишер Жўраев, Зафар Ҳазратқулов, Содик Нурма-товлар ҳам фойдали меҳнат билан шу-гулланмай жамиятимизга моддий ва маънавий зарар келтириши одат қилиб олганлардан. Уларни қора ният бирлаштирди.

2006 йилнинг 10 август куни кеч-курун Ғайрат юқорида номлари қайд этилган қишлоқдошлари билан уч-рашди.

— Нишон туманига тўйга борган-дим. Йўлда сим кўриб келдим, менимча узилгандай ётибди, — деди Камолиддин. — Йигиштириб олсак, анчагина пулли бўлардик.

— Узилгани йўқ, уни ўзимиз узишимиз керак, — дея таъкидлади Зафар. Уша куни соат 23.30 лар чамасида Ғайрат билан Камолиддин Қарши туман, Чўлиота фермерлар уюшмаси худудидagi Бешкент телекоммуникациялар боғламасига қарашли Бешкент-Чўлиота, Бешкент-Намуна йўналишида ўрнатилган 9 донна симёғоч орали-гадиги жами минг метр бўлган алоқа кабелини талон-талож қилдилар.

Ярим тунда машина Лаганди қишлоғига қайтиб келди. Давлат нархи уч юз минг сўмдан ортқ бўлган ушбу кабел Қарши шаҳрининг Арабхона маҳалласида истиқомат қилувчи Соҳиб Кўчаровга атиги 85000 сўмга пулланди. Олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириш, ёнгил автомашина ёллаш, хуллас, тунги «тадбиркорлик» ортидан осонгина пул топиш Ғайратни яна кин-гир ишларга ундади.

Қарши шаҳридаги «Сокин» чойхона-си сокин гўшада жойлашган. Хўранда-лар кўпича холи дам олишни истаб, бу ерга таширч буюрадилар. 10 сентябр куни кечкурун ҳамқишлоқлар тўнчо-нада тўпланишди. Аввал ёнгил таомга, сўнгга эса Ғиждувон кабобига буюрт-ма берилди. Одатдагидек, бир шиша арок ўз ёнига иккинчисини ҳам етакла-ди. Шу пайт «Тико» русумли автомаши-на тўхтаб, ундан Алишер ва Асрорлар тушиб, улар сафига қўшилишди.

— Келинлар, чўнтак ҳам касалла-ниб қолди, — деди Миркомил шерик-ларига қараб. — Айлангани чикмаги-нимизга ҳам кўп бўлди. Қани, «омад» учун оламыз.

Нимагадир таклиф Асрорга ёқмади

21013 русумли транспорт воситаси ҳам ҳамроҳ бўлди. Чунки, гуруҳ аъзо-лари ҳам бир неча кишига кўпайган эди-да. Уртада бўлиб олинadиган маблағ ҳам шунга яраша кўпроқ бўли-ши керак...

Шу куни Миркомил ва Камолид-дин уйларидан олиб чиққан омбур билан алоқа кабелларини кесишар-

КўЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

ёки лагандилик кабел ўғрилари ҳақида

шекилик, кўп ўтмай машинасига ўти-риб қайтиб кетди.

Ўзаро бўлишиб олинган пулнинг чўги анча камайиб қолганди. Ғайратга энди йирикроқ мол-мулкни талон-талож қилиш фикри тинчлик бермасди. Шунинг учун жиноий гуруҳ аъзоларини бир нечтага кўпайтирди. Ҳамтовоқлар — Содик, Зафар, Камолиддин, Мирко-мил, Алишерлар кун билан тун алма-шиш пайтини сабрсизлик билан пой-ларди. 10 сентябрдан 11 сентябрга ўтар кечаси машиналар Нишон тумани Наврўз қишлоқ фуқаролар йиғини худу-дидан ўтган Эски Нишон-Наврўз ички асфалт йўли ёқасида тўхтади. Бегона машиналар яқинлашганида Камолид-дин худди машинасида носозлик бўлгандек шиналарга қараб қўярди. Қатнов тинчигач, машинадан омбурни олиб симёғочлар орасидаги телефон алоқа кабелларини кесишга киришиш-ди. Ушбу ўғрилик ортидан кечки 260000 сўм ўзаро тенг тақсимланди. Арабхоналик доимий харидор Соҳиб Кўчаров алоқа кабелларини қабул қилиб олар экан, яна керак дегандай ишора қилди.

Лаганди қишлоғида кичик савдо дўкони бор. Дўкон кичик бўлсаям қи-шиллар аҳтиёжи учун зурур нарсалар-нинг ҳаммаси бисёр. Энг асосийси, ярим тунда ҳам дўкон ортқ туради. Кечкурун ҳамқишлоқлар дўкон олди-да одатдагидек тўпландилар. Миркомил яна ташаббус билан чикди. Бир кун олдинги амалга оширилган ўғриликнинг иссиқ тафтини совутмай бугун овга чи-қишга ҳамма бирдек рози бўлишди.

Бу сафар автоулов Яккабоғ тумани-га йўл олди. Ҳар гал ҳамтовоқларга Камолиддин Абдурасулов бошқаруви-да бўлган Жамолиддин Абдурасулов номидаги ВА3-2106 русумли транс-порт хизмат кўрсатарди. Бу сафар унинг ёнига Алишер Жўраев бошқару-видаги Чори Жўраев номидаги ВА3-

кан, кўлга киритилажак текин даро-мадан уларнинг юраги гупилларди. Яккабоғ туманининг Каттабой Ашуров ҳамда Жуман Миҳлиев фермер хўжа-ликларини боғлаб турувчи КСПП-1х4х0,9 русумли, узунлиги 942 метр бўлган алоқа линияси ўзганинг мол-мулки ҳисобидан чиқарилди. Аммо алоқа кабелига омбур текканидаёқ сиг-нализация такрорий ўғрилик ҳақида хабар билдирганини улар хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Кабеллар ма-шина юкхонасига жойланаётганида олисдан «Дамас» автомашинаси ел-дек учиб келарди. Содир этилган жи-ноятни фош этиш учун Яккабоғ теле-коммуникациялар боғламаси маъму-рияти туман ИИБга хабар етказиб ултурган эди...

Шундай қилиб, Алишер ва Камол-иддин 2006 йил 13 сентябрдан 14 сентябрга ўтар кечаси Яккабоғ тумани худудидаги хўжаликларни боғлаб турувчи узунлиги 200 метр бўлган алоқа линияси кабелини кесиб олиб, яширин равишда олиб кетаётганлик-ларида жиноят устида қўлга олинди.

Ғайрат пахтазор оралаб ўзини боши оққан томонга урди. Тонг отар пайтида Яккабоғ-Қарши йўлини топиб олди. Қишлоққа етиб келганида Миркомил унга Камолиддин ва Алишерни ички ишлар бўлими ходимлари ушлаб кет-ганлигини айтди. Қўрқанидан Ғайрат-ни титроқ босди. Миркомил ҳам амал-лаб қочиб, не азоб билан етиб келга-нини зўрға гапириб берди. Кўза кунда эмас, кунда синади, деган пурмаёно ҳикмат Ғайратнинг кўнглидан шу вақт-да ўтган бўлса ажаб эмас.

Жиноят ишлари бўйича Кито-б туман судининг биносида очиқ суд маж-лиси бўлиб, суд хайъати судланувчи Ғ.Рўптиллаев, К.Абдурасулов, М.Ра-ҳимов, А.Жўраевлар бир гуруҳга бир-лашиб, ўзгалар мулкни ўғирлагани ва такроран ўзганинг мулкни талон-та-лож қилишга қасд қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан ай-бли деб топилади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

ОВУЛЛАРАРО МАНЗИЛЛАР САРИ

Учқудуқ мамлакатимиз-нинг Қозоғистон Рес-публикаси билан чега-радош, ўзига хос иқлим шароитига эга бўлган гўшаларидан ҳисобла-нади. Вилоят маркази-дан энг олис овуллар ўртасидаги масофа 600 километргача етадиган бу бепоең кенгликларда салкам 40 минг аҳоли истиқомат қилади. Йигирмага яқин миллат вакиллари бир оила фарзандларидек елка-ма-елка туриб, туман раваннага ҳисса қўшишмоқда.

Кейинги йилларда туманда кўплаб турар-жой бинолари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фойдаланишга топширилди. Бундан та-шқари, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовитни камайитириш борасида ҳам талай ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, биргина алоқа хизмати ми-солида кўрадиган бўлсак, 2004 йилда бор-йўғи 40та телефон нуқтаси мавжуд бўлган Учқудуқда бугунги кунда теле-фон нуқталари сони 3100тадан ошиб кетди. Энг муҳими, уларнинг салкам 2100тасидан аҳоли хонадонларида фой-даланилмоқда. Бу саяё-ҳаракатлар одамлар мушуқлини осон қилиш билан бирга, улар турмуш маданиятини оши-ришга ҳам хизмат қилмоқда. Туманнинг энг олис Авангард, Узунқудуқ ҳамда Қўқаёз овуллари аҳолисининг янги аср янгликларидан хабардор бўлиши, Ўзбе-кистон телеканаллари кўрсатувларини томоша қилаётганлари, 14та объектда узаткичлар ўрнатилганлиги жаҳонга юз тутаятган мамлакатимиздаги янги им-кониятлардандир.

Учқудуқда почта алоқаси бўлимлари-нинг иши ҳам бошқа алоқа бўлимлари-ниқидан тубдан фарқ қилади. Бу ерлар-да алоқа бўлими бошлиғи ҳам бошлиқ, ҳам хабарчи ҳисобланган. Масалан, «Кўлқудуқ» алоқа бўлими бошлиғи Си-бана Тоҳиев ҳам ана шундай ишлайди. Навоийдан 400 километр олдсда жой-лашган бу бўлим «Олтин тов» ширкат бўжалиги аҳолисига хизмат кўрсатади. Кўлимда газета-журналларни ўз вақти-да эгаларига етказишдан ташқари, хат, телеграмма, жўнатмаларни ҳам кечик-тирмасдан манзилларига элтишининг ўзи бўлмайпти. Ахир, кимнингдир яхши-ёмон кунидан хабардор қилadиган телеграм-малар муддатидан кечикиши инсофдан эмас. Шунинг учун ҳам С.Тоҳиев 343 нафар пенсионерга, 30 нафар ногирон болага пенсия ва нафақаларини вақти-да тарқатишга одатланган. Бунинг учун овул оралаб 110 километрлик Балтай, Бўронбой, Оқбугет ферма йўлларини керак бўлса ҳар куни босиб ўтишига тўғри келади.

— Унумли ишлаш учун шарт-шароит етарли, — дейди С.Тоҳиев. — Жойлаш-ган биномиз корхона балансига олин-ди. Ҳафтада икки марта кундалик мат-буот нашрлари ҳамда почта жўнатма-ларининг барча турлари туман маркази-дан махсус транспортда бўлимимизга-ча етказилаётганлиги ишимизнинг яна-да самарали бўлишига ва қизиқмулк-лар ҳам бошқалар билан бир вақтда мамлакатимиздаги буюқ ўзгаришлар, дунё хабарларидан воқиф бўлишларига ёрдам бермоқда.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

Ҳикмат

**Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидан улдур осон.**

Сўфи ОЛЛОЁР



Шогирад эди... устоз бўлди!

Татьяна ПЕТРОВЦЕВА қарийб 35 йилдан буён "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиалининг Ромитан почта алоқаси тармоғида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Фаолиятини 1971 йили телефончиликдан бошлаган Татьяна К.Ермилова, А.Блинцова, Н.Марченко ва Ф.Абдуллаев каби устозлардан касб сирларини ўрганди. Махсус курсларни тугатгач, узоқ йиллар бош ҳисобчи вазифасида ишлади. Мана бир йилдирки, опа операторлиқни ҳам сидқидилдан уддала-моқда.

Бугун Т.Петровцеванинг ўзи устоз. Унинг Гулнора Алиева ва Зевар Шодиева каби шоғирдлари ҳам соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Айни кунларда Татьяна Петровцева муборак 55 ёшини нишонлайди. Шу муносабат билан опани ҳамкасблари сидқидилдан муборакбод этиб, сийҳат-саломатлик, оилавий хотир-жамлик ҳамда ишларида ривож тилайди.



Давайте представим жизнь людей без информации хотя бы один день. Что тогда произойдет? Люди окажутся лишенными очень многого, так как современный человек каждый час пропускает через себя огромные информационные потоки, которые помогают при поиске и нахождении оптимальных решений, при построении модели поведения, действий.

Акмеология — новая наука

А главное, информация способствует формированию желаний, интересов и в итоге, хобби. Но вместе с тем человеку крайне нелегко сориентироваться в таком стремительном потоке информации и использовать ее в необходимом направлении. Ведь люди в силу своей акмеологичности производят отбор, выбирая из всего потока информации именно ту, в которой они нуждаются для своего развития, для своей профессиональной, личной, социально-культурной жизни.


Изучению человека всегда уделялось большое внимание. Существует множество наук, направленных на изучение человека: психология, социология, менеджмент, история, правоведение и другие. Но изучал ли комплексно какой-нибудь из них взрослого человека, закономерности и механизмы его развития, феноменологию взрослого человека на наиболее высоком уровне этого развития? И как формировался этот взрослый человек? Какие изменения происходили с ним, начиная с самого детства, и по достижении им самореализации, самоактуализации, какие факторы воздействовали на него по достижении этого периода? Такая наука появилась относительно недавно, и название её — акмеология.

Сам термин происходит от греческого слова «акме», что означает высшая точка, расцвет, зрелость, лучшая пора, т. е. период в развитии взрослого человека, связанный с высоким уровнем развития способностей и профессионализма.

Акмеология — интегрированная наука, возникшая на стыке естественных, общественных, гуманитарных и технических наук. Впервые термин был введен в научный оборот Н.Рыбниковым для обозначения науки о развитии зрелых людей. А Б.Ананьев определил ее место в системе наук, изучающих возраст и фазы жизни человека как индивида, и расположил их в следующей последовательности: эмбриология человека, морфология и физиология ребенка,

модель развития», свой путь достижения акме и добьемся вершин в профессиональной деятельности.

Акмеология день за днем приобретает всё более важное значение в системе наук о человеке. Она получила широкое распространение в России, где в ВУЗах функционируют кафедры акмеологии. Открываются акмеологические центры, занимающиеся определением психологической структу-



педиатрия, педагогика, акмеология, геронтология, т. е. наука о старческом возрасте. Б.Ананьев поставил акмеологию вслед за педагогикой, как бы говоря тем самым, что это наука о закономерностях развития зрелых людей под влиянием образования. Простыми словами, акмеология занимается изучением индивида от самого рождения, помогает проследить тенденции его развития и выявить его способности. Она призвана помочь человеку найти траекторию роста, развития и достичь акме на этапе зрелости.

Каждый день по телевизору мы смотрим на людей, которые стали знаменитыми, слышим о них по радио, или читаем в книгах. Все они достигли акме в своей профессиональной деятельности. А великие люди Средней Азии? Это лучший пример того, какого расцвета знаний и умений может достичь человек, какими способностями может обладать. Нам достаточно даже вспомнить Ибн Сина, Алишера Навои, Амира Тимура, Фараби, Бабура и др. Эти люди достойны восхищения. Как они добились высот жизни, можем ли мы добиться таких же высот? А что, если проследить, как они развивались, в каких внутренних и внешних условиях, т. е. среде, чем занимались с детства? Если мы изучим закономерности и тенденции развития хотя бы 8-10 великих и знаменитых людей, и изучим в первую очередь самих себя, свою среду, свои способности и возможности, займемся саморазвитием, самоменеджментом, то мы обязательно создадим «собственную

ры человека, открытием уникальных способностей людей.

Таким образом, акмеологический центр теперь есть и у нас.

В начале февраля 2007 года при Ташкентском университете Информационных технологий состоялось открытие первого в Центральной Азии акмеологического центра под руководством доцента кафедры «Менеджмент и Маркетинг» Садыкова Мишрауфа Пулатовича. В открытие этого центра большой вклад внесло руководство университета, и непосредственно декан факультета «Экономики и управления». На открытии присутствовали преподаватели кафедр «Экономика» и «Менеджмент и маркетинг», а также студенты, активно занимающиеся акмеологией. Свое мнение по поводу акмеологического центра выразили многие преподаватели и студенты. На открытии также выступил Садыков М. П., рассказав непосредственно о самой науке акмеологии, о парадигмах роста и развития человека, и были обозначены цели и задачи акмеологического центра.

Все люди с самого рождения обладают определенными задатками и способностями. Но, к сожалению, не все используют свой потенциал для самореализации, достижения вершин в профессиональной деятельности. Именно всеми этими проблемами будет заниматься акмеологический центр. В настоящее время акмеология является новой интенсивно развивающейся наукой, активно включающейся в общественную практику. Интегрируя и обобщая знания о прогрессивном развитии зрелой личности, путях самореализации и самоактуализации, акмеология является перспективным направлением развития социальных наук.

Гульноза ЭШМУРАТОВА,
студентка факультета экономики и управления ТУИТ

● Ziyonet—АНОНС*

Состоялось награждение обладателей стипендии «Камолот»

В Центральном совете общественного движения молодежи «Камолот» состоялось награждение обладателей стипендии «Камолот» нынешнего года. В ней приняли участие специалисты соответствующих министерств, ведомств, образовательных учреждений, работники культуры и искусства, журналисты, представители широкой общественности.

Современное учебное заведение Хорезмской области

Ургенчский автомобильно-дорожный профессиональный колледж — одно из крупнейших учебных заведений Хорезмского оазиса. Здесь по четырем направлениям обучаются почти две тысячи человек.

В сельскохозяйственном колледже прошел День открытых дверей

В сельскохозяйственном профессиональном колледже Дуслыкского района Джизакской области прошел День открытых дверей, в ходе которого школьники районного центра ознакомились с созданными в нем условиями. Многие из них выразили желание после окончания 9 класса продолжить образование в данном учебном заведении.

Специальные курсы для руководителей

В Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан организованы специальные курсы для руководящего состава центрального аппарата Министерства по делам культуры и спорта, руководителей областных управлений и директоров республиканских высших школ спортивного мастерства, спортивных образовательных учреждений.

* Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети Ziyonet www.ziyonet.uz

Новости в сфере ИКТ

Microsoft прекратит продажи Windows XP

КОРПОРАЦИЯ MICROSOFT намерена прекратить поставки операционной системы Windows XP фирмам-изготовителям комплектного оборудования (OEM) 31 января следующего года. После этой даты OEM-производители смогут продавать новые персональные компьютеры только с модификациями программной платформы Windows Vista (или с альтернативными операционными системами).

Решение Microsoft касается всех модификаций Windows XP, в том числе 64-битных версий операционной системы, а также Windows XP Tablet PC Edition и Windows XP Media Center Edition. Вместе с тем, желающие все же смогут приобрести лицензию на ОС у сторонних поставщиков до 31 января 2009 года. После этого механизм активации программной платформы будет остановлен.

Мобильные интернет-устройства

В ИНТЕРНЕТЕ появилась информация о новом типе портативных компьютеров, которые в ближайшее время намерена анонсировать корпорация Intel. Речь идет о так называемых мобильных интернет-устройствах (Mobile Internet Device, MID), работающих под управлением операционной системы Linux.

Устройства MID будут представлять собой ориентированную на потребительский рынок альтернативу ультрапортативным ПК. Большинство ультрамобильных компьютеров (UMPC), продающихся в настоящее время, стоят от 900 до 1800 долларов США, что делает их недоступными для рядового покупателя. С появлением устройств MID ситуация, как ожидается, несколько изменится.

АФОРИЗМ

За каплей каплю накопи, текут потоки рек.
По крохам знания копя, мудреет человек.

Алишер НАВОИ



Хабар + TV

OTBЕKSTON

Хўрлик телеомошабинлар!
Профилактика муносабати билан
душанба, 23 апрел кунин "O'zbekiston"
телеканалини ўз кўрсатуларини
соат 14.55 дан бошлайдик.


14.55 Кўрсатилар дастури.
15.00 "Тадқиқотнома".
15.45 "Ватанларим".
"Бўларай айриқаси".
16.45 "Эрталаклар - яшайликка
етайлик".
17.00 "Ахборот".
17.15 Оқтин мерос.
17.20 "Юртин бўйлаб" дастури.
"Истибоб сари йул". Премьера.
17.50 "Хамкорлик ришталари".
18.05 "Оштин". Телесериял.
19.05 "Одинлар оғунаш".
19.15 "Модия ва бош хабарлари".
19.20 Дунё иқидини.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Одиза ришталари". Телесериял
премиераси.
20.50 Дунё иқидини.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Янги ошларлар".
22.00 "Июни тақдир". Телесериял
премиераси (Хабарнома).
22.45 "Қиштинлик, мураббат" (SMS.
Оваз берди).
23.50 Миллий сериал: "Алишер
Навоий" 6-қисм.
23.50 "Юртин бўйлаб" дастури: "Иккинчи
дунё оқунаш".
23.55-24.00 Тунгин навалар.



Телеомошабинлар дикодитига!
23 апрел, душанба кунин профилактика
муносабати билан "YOSHLAR"
телеканалдаки ўз иштини соат 15.55
дан бошлайдик.

15.55 Дастурини очидини.
16.00 "ДАВР".
16.15 "Ватаним".
16.20 "Сени изайб" Киска метражлик
фильм.
16.55 "Мафрункор ва бетакорор".
17.00 "Кино-SMS". Сорвини
телемуносаба.
17.05 "Кунин иқидини".
17.15 "Юштам".
17.35 "Замкорлар оша келажак сари".
17.40 "Панов".
17.55 "Мариянов - 2000 ёшдан".
18.00 "Муножавий дунё" мифрийф
дастури.
18.25 "U2EX хабарлари" (рус ва
инглиз тилларида).
18.35 "Талак мунож".
18.55 "Иқидин".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Омон бўлинг".
19.35 "Эмир симфонияси". Сериал.
20.05 "SMS-мунож". Еши иқидини
сорвини таловини.
20.20 "U2EX хабарлари".
20.25 "Истибоб эъларини".
20.45 "ТВ-эълон".
20.50 "Мураббат дараларини". Сериал.
21.30 "Кўхум наваларини".
21.40 "Мафрункор ва бетакорор".
21.50 "Ватаним".
21.55 "Иқидин".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мунож". Еши иқидини
сорвини таловини.
22.45 "Талактын" мифрийф дастури.
"Ушай ошларлар".
23.40 "Таксин".
23.55 - 00.00 "Ақшадлар салоси".

ДУШАНБА — 23 АПРЕЛ



17.50 Кўрсатилар тартиби.
17.55 Мультифильм. "Шумтақалар".
18.05 "Телекоркер - маркет".
18.25 "Билансизми".
18.30 "Пойташ" аборот дастури.
18.50 "Галаатун". Телесериял.
19.30 "Мунож SMS".
19.50 "Саламат бўлинг" (рус/т.
20.00 "Пойташ" аборот дастури (рус/т.
20.20 Мир жинотлик "Дуелани
базилон кошқ".
20.50 "Интервай" (рус/т.
21.00 "Жониб".
21.30 "Пойташ" аборот дастури.
21.50 "Телекоркер - маркет".
22.10 "Аёл қалби".
22.25 "Билансизми".
22.30 "Пойташ" аборот дастури (рус/т.
22.50 Кино: "Кейт и Лео".
00.45 - 00.50 Хайрал гун, шаҳарини".



Телеомошабинлар дикодитига!
Профилактика муносабати билан, 23
апрел кунин "Спор" телеканалдаки ўз
кўрсатуларини 18.00 дан бошлайдик.

18.00 "Бўларай спорт".
18.20 "Тет-а-тет".
18.30 "Хабарлар" (рус тилида).
18.50 Футбол шарди.
19.10 "Жини менга".
20.00 "Вести".
20.20 "Муножлик тайм".
20.30 "Проф-РЕНГ".
21.30 "Хабарлар" (рус тилида).
21.50 Спортини кино: С.
Сталинце в фильме "Рокиа Балобан".
23.30 Футбол, U20бегонини
чемпионати: "Анжонин" - "Трактор".
01.00 Тунинги ошуду брасини".


БИРИНЧИ

04.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00
Новости.
04.05 "Доброое утро".
08.20 "Мадаон +".
09.20 Т/с "Агент национальной
безопасности".
10.20 "Понять. Простить".
11.20 "Лидия. Без комплексов".
12.20 "Детский".
13.00 Другие.
13.30 "Контрольная закупка".
14.20 "Криминальная Россия".
"Ветские противозастывающие".
15.00 Т/с "Любовь как любовь".
16.00 "Федеральный судья".
17.00 Вечерние.
17.20 Т/с "Чужие тайны".
18.10 "Жини менга".
19.00 Т/с "Татьянин день".
20.40 "Фрэнк".
20.50 Т/с "Александровский сад".
21.30 "Слепозаслывание".
"Щегельи против народа".
22.30 Ночные новости.
22.50 "Теория невероятности".
"Знаю рожденные".
23.40 "Тени и хвосты".
00.10 "Лошадкина энциклопедия".
00.40 Комедия "Темный сахар".
02.30 Фильм "Теплый".

РОССИЯ

04.00 "Доброое утро, Россия".
07.45 Х/ф "Танцуй".
09.45, 12.40 "Вести. Дежурная часть".

10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Вести".
10.25, 13.20, 19.45 "Местное время.
Вести - Москва".
10.45 Т/с "Горыныч и Виктория".
13.40 "Суд идет".
15.00 "Кулагин и партнеры".
15.40 "Местное время. Вести -
Московская область".
16.10 Т/с "Камелотская".
17.05 Т/с "Танго втроем".
18.00 Т/с "Ангел-хранитель".
20.05 "Спокойной ночи, малыши".
20.15 Т/с "Сонная Золотая Ручка".
22.10 "Мой серебряный шар.
Александр Ширинин".
23.15 "Вести +".
23.25 "Очевидное - невероятное".
00.05 "Снамянина".
00.40 "Дорожный патруль".
00.50 Комедия "Пиррова".
02.20 Канал "Евронож".




05.00 "Сегодня утром".
08.05 "Сладкие вени".
09.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00
"Сегодня".
09.20 "Чрезвычайное происшествие.
Обзор за неделю".
09.55 "Квирипийский послоник".
10.55 "Квирипийский вопрос".
12.40 Т/с "Авокад".
14.30, 17.30, 20.45
15.25 Т/с "Уштини раббитых
форварей".
18.45 Т/с "План Б".
21.40 Х/ф "Хакеры".
23.45 "Школа злоошания", М.
Фийшман.
00.40 Т/с "Уштини раббитых
форварей".
02.30 "Совершенно секретно.
Информация ка размилителю".
03.15 Х/ф "Покад идет на восток".


КУЛЬТУРА

4.00 "ЕВРОНЮСТИ".
7.00 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
7.20 "В ГЛАВНОЙ РОЛИ".
7.45 ПУТЕШЕСТВИЯ
НАТУРАЛИСТА.
8.15 "Квирипийский дог". Х/ф.
9.40 М/ф.
10.10 ЛИНИЯ ЖИЗНИ.
В.Войнарковский.
11.05 ВЕК РУССКОГО МУЗЕЯ.
11.35 "Диккенс: Тайна Эвнина
Друда". Телеспектильм.
13.05 М/ф.
13.20 "Сказки Андерсена".
Мультисериял.
13.45 ПРЕМЬЕРА В РОССИИ.
"Амазонка вверсет". Реалити-шоу.
14.15 "Рожденные среди диких
животных". Док.сериал.
14.40 "Порядок слов".
14.45 ДВОРЦОВЫЕ ТАЙНЫ.
"Дом в конной гардини".
15.15 ДОСТОЯНИЕ РЕСПУБЛИ.
И.И. Усманья Квирипийно.
15.30 "БНОЖНО".
16.00 НОЧНОЙ ПОЛЕТ.
16.30 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ.
16.55 "Документ до понедельника".
Х/ф.
18.25 ОСТРОВА. Станислав
Ростоктин.
19.15 "Тем временем".
20.10 "Лавинный путь в Дофоре.
Слезы богов". Док.фильм.
20.30 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ.
20.55 ПРО АРТ.
21.25 ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО
КИНО. Роберто Росселлинни.


21.55 ДОКУМЕНТАЛЬНАЯ
КАМЕРА "70-е от хитини до штин".
22.40 "Экспедиция в бесну".
Док.фильм.
23.35 С.Рамминнов. Пьесы и
транскрипция.




07.00, 07.45, 07.55, 08.00, 14.30 М/с.
08.30, 10.30, 19.00 Т/с "Моя
прекрасная няня".
09.00, 21.00 Т/с "Кадетство".
10.00, 20.30, 01.00 История в деталях.
11.00 Т/с "Сваха".
11.30 Т/с "Зена - королева воинов".
12.30 Т/с "Комиссар Ресс".
13.30 Т/с "Не родись красивой".
17.00 Т/с "Сабрина - маленькая
ведьма".
17.30 Галлецо.
18.00 Т/с "О.С. - одинокие сердца".
20.00 Т/с "Сваха".
22.00 Х/ф "Полюем с глубини".
00.00 Т/с "Ангелина Стрелки".



07.00 Победоносный голос.
07.30, 08.00, 08.30, 14.30 - 14.00 М/с.
09.00 М/ф.
09.30 Деньги утром.
10.00 Х/ф "Шахтерская история".
12.00 Х/ф "В русском стиле".
15.00 Х/ф "Бриллианты для
18.50 "Чистошерачное признание".
19.20 "Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю".
19.55 "Главный герой".
21.00 "Воскерсия вестер".
22.15 Х/ф "Развод по-корольски".
00.25 Х/ф "Правила секса 2".
02.40 Х/ф "Панно Вилья".

КУЛЬТУРА

3.30 "ЕВРОНЬЮС".
7.10 КАПУЧИНО.
7.40 "Республика ШКИД". Х/ф.
9.20 ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО КИНО. Марсель Карне.
9.45 "Музыкюск".
10.05 М/ф.
10.45 "Дивное животное: в кадре и за кадром". Докфильм.
11.40 "Широкий формат".
12.10 Гала-балет из Праги.
13.45 "Окно в Лувр". Доксериял.

14.40 "Борис Добродеев. Дыхание экрана".
15.20 "Тригорий Чудрай. Верность памяти создателя". Докфильм.
16.30 "Безумный день, или Женитба Фигаро". Спецстакль.
19.25 "Викинг". Сага о новых землях". Докфильм.
20.10 "Настройщик". Х/ф.
22.55 "Окно в Лувр". Доксериял.

СТС

07.00,08.15,13.00,14.30,15.30,20.00 М/ф.
08.55,09.20,09.30,10.00,10.30 М/с.
11.00 Х/ф "Мозонтий пес".
17.00 История в деталях. Спец выпуск.
17.30 Т/с "Кто в доме хозяйн?".
18.00 Х/ф "Все наоборот".
22.00 Х/ф "Дети шпионов".
23.45 6 кадров.
00.00 Хорошие шутки.
02.00 Х/ф "Миллионы".
03.45 Х/ф "Страна придивов".

ТВ3

07.00,10.00 М/ф.
07.30 Жизнь, полная радости.
08.00 Денги утром.
08.30 М/с.
11.00 Х/ф "Новые приключения Леси".
19.00 Киномания.
20.00 Х/ф "Кто поаствил кролика Роландера?".
22.00 Х/ф "Танго над прогастоя".
01.00 Х/ф "Человек-скелет".
03.00 Х/ф "Во имя любви".

ДТВ

8.05 "Шоу российских рекордов".
8.55 Таскча мелочей.
9.25 М/ф.
11.20 Х/ф "ЗА ЧЕРТОЙ".
13.25 "Как уходить кумира".
"Марис Лиепа".
14.30 "По законам детектива".
15.25 Шоу рекордов Гиннеса.
16.30 Самое невероятное видео.
17.30 Самое смешное видео.
17.55 "Смешная реклама".
18.25 "Осторожно, афера!".
18.55 Территория призаков.
19.55 "Чемпионат анекдот".
20.50 "ДАЛЬНОБОЙЩИКИ-2".
23.00 "С.С.1. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ".

ТНТ

06.00 Д/ф "Птицы".
08.00,18.00 Т/с "Саша+Маша".
08.30 "Зачем вы, девочки?".
09.00 "Школа ремонта".
10.00 "Такси" в Питере".
10.30 "Звезды против карооке".
11.30 "Кульнарный дозор".
12.00 М/с "Огоньки на драконах".
13.30,20.00,22.55,00.55 "Дом 2".
14.30 Комедия "Астротис и Обелиск: Миссия "Клеопатра".
17.00 "Cosmopolitan. Видеоверсия".
18.30 "Зачем вы, девочки?".
19.00 "Необыкновенно, но факт".
"Тайна имени".
21.00 "Комедия Клуб".
22.00 Т/с "Наша Россия".
22.25 "Секс" с А. Чеховой".
23.25 "Няня спешит на помощь".

TV-Марказ

Душанба

07.00-15.00 ПРОФИЛАКТИКА
15.00 "Премьера" (Ўзб.)
15.30, 17.45, 21.00 Ўзбек навалари
16.00 "Премьера" (рус)
16.30, 20.30 Мировые хиты
17.00 "Сумас ораулар"
18.00 "Премьера" (Ўзб.)
18.30 "Кулинар фантазиялари"
19.00 "Премьера" (рус)
19.30 Serial "Нечаянная радость"
4-серия
22.00 Комедия по понедельникам
"ЖЕНИХ НА ПРОКАТ"
худ.фильм
00.00 Миксер

Сешанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 10.30, 13.40, 16.30,
17.45, 18.10, 20.10, 21.30 Ўзбек
навалари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10, 13.00, 14.40, 15.45 Мировые
хиты
09.00 Serial "Нечаянная радость"
4-серия
10.00 "Премьера" (Ўзб.)
11.00 "Жених на прокат" худ.фильм
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)
14.30 Марказ NEWS (рус.)
15.00 Телениня
17.00 "Топ-20"
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Serial "Оперативный
псевдоним" 1-серия
21.00 "Великолепная семёрка"
22.00 "РОМАН С КАМНЕМ"
худ.фильм
00.00 Миксер

Чоршанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 08.30, 10.40, 14.10,
16.15, 18.40, 20.10, 21.30 Ўзбек
навалари
07.30 "Премьера" (рус)
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10, 13.00, 14.40, 15.45, 17.45
Мировые хиты
09.00 Serial "Оперативный
псевдоним" 1-серия
10.00 "Назбег" Рашид Холликов
билан
11.00 "Роман с камнем" худ.фильм
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)
13.40 "Юдузли пайшаба"
14.30 Марказ NEWS (рус.)
15.00 Телениня
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
18.10 "Кулинар фантазиялари"
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Serial "Оперативный
псевдоним" 2-серия
21.00 "Миссия неповторима"
22.00 Киноколлекция: "КОРОЛЬ-
РЫБАК" худ.фильм
00.30 Миксер

Пайшанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 08.10, 10.00, 13.40,
16.00, 18.10, 21.30 Ўзбек навалари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
09.00 Serial "Оперативный
псевдоним" 2-серия
11.00 "Король-рыбак" худ.фильм
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)
14.30 Марказ NEWS (рус.)
14.40, 15.45, 17.30 Мировые хиты
15.00 Телениня

17.00 "Великолепная семёрка"
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Serial "Оперативный
псевдоним" 3-серия
20.10 "Спецрепортаж"
20.30 "Премьера" (Ўзб.)
21.00 "Юдузли пайшаба"
22.00 "ЗОРРО НИҚОБИ" бадий
фильм
00.20 Миксер

Жума

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 10.00, 13.40, 15.45,
18.10, 20.50, 21.30 Ўзбек навалари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 "Топ-20"
09.00 Serial "Оперативный
псевдоним" 3-серия
11.00 "Зорро ниқоби" бадий фильм
13.20, 14.40, 17.30 Мировые хиты
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)
14.30 Марказ NEWS (рус.)
15.00 Телениня
17.00 "Миссия неповторима"
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 "Оперативный псевдоним"
4-серия
20.10 "Сумас ораулар"
21.00 "Премьера" (рус.)
22.00 "НАСТОЯЩАЯ МАККОЙ"
худ.фильм
00.00 Миксер

Шанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 09.00, 10.00, 13.00,
17.00, 18.10, 21.40 Ўзбек навалари
08.00 Марказ NEWS (рус.)

08.10, 14.30, 16.20 Мировые хиты
09.40 "Спецрепортаж"
11.00 "Настоящая Маккой"
худ.фильм
14.00 "Премьера" (Ўзб.)
15.00 Телениня
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
18.30 "Азало-Марказ"
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Концерт
21.00 "Назбег" Рашид Холликов
билан
22.00 Индийское кино "ДОЛГОЖ-
ДАННЫЙ"
00.20 Миксер

Якшанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 14.00, 16.20, 17.00,
18.10, 19.30, 20.30 Ўзбек навалари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Концерт
09.50, 10.40, 13.20, 19.10, 21.45
Мировые хиты
10.00 "Сумас ораулар"
11.00 Индийское кино "Долгож-
данный"
15.00 Телениня
16.30 "Премьера" (рус.)
17.30 "Юдузли пайшаба"
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
20.00 "Азало-Марказ"
21.00 "Топ-20"
22.00 "ЛАБИРИНТ ФАВНА"
худ.фильм
00.10 Миксер

RTR SPORT

Душанба

06.00 Футбол. Премьер-лига "Динамо" -
"Динамо"
08.00, 10.00, 14.20, 18.40 "Вести-спорт"
08.10 "Скорая Россия"
08.55 Автоспорт. Международная серия
"А1"
10.10 "Вести-спорт. Местное время"
10.15 Биллард. Гран-При городов Евразии
11.45 Детский спорт
12.10 Футбол. Чеш. Англия. "Астон Вилла"
"Порто"
14.25 Конное поло
15.35 Футбол. Премьер-лига. ФК "Москва"
ЦСКА
17.35 "Футбол России"
18.50 Баскетбол. Кубок России. Мужчины.
1/2 финала. "Динамо" (Москва) - ЦСКА
20.50 "Самый сильный человек"
21.20 Настурно ЧМ по хоккею - 2007.
21.40 Баскетбол. Кубок России. Мужчины.
1/2 финала. "Динамо" (Мос.обл.) -
УНИКС
23.38 "Футбол России"
00.35 "Наша спорта"
01.40 Футбол. Обзор матчей чеш. Англии.

Сешанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Лун-Энерджи"
"Зенит"
08.00, 10.20, 14.10, 17.30, 23.00, 02.20
"Вести-спорт"
08.10 "Футбол России"
09.15 "Наша спорта"
10.15 Биллард. Гран-При городов Евразии
11.25 Баскетбол. Кубок России. Мужчины.
1/2 финала. "Динамо" (Мос.обл.) - УНИКС
14.15 Настурно ЧМ по хоккею - 2007.
14.38 "Наша спорта"
15.35 Баскетбол. Чеш. Россия. Женщины. 1/
2 финала
17.40 Хоккей. Товарищеский матч. Россия -
Австрия
20.15 Стрельба из лука. Кубок мира
21.50 Баскетбол. Кубок России. Мужчины.
Финал

23.10 Настурно ЧМ по хоккею - 2007.
23.30 Футбол. 1/4 1/2 финала. "Манчестер
Юнайтед" - "Мидлс"
01.35 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.

Чоршанба

05.55 Футбол. Премьер-лига "Спартак"
"Мос" - "Крылья Советов"
08.00, 09.55, 14.10, 17.10, 23.00 "Вести-
спорт"
08.10 "Самый сильный человек". ЧМ по
силовому экстриму.
08.50 Конное поло
10.15 Биллард. Гран-При городов Евразии.
12.00 Футбол. 1/4 1/2 финала. "Манчестер
Юнайтед" - "Мидлс"
14.15 Настурно ЧМ по хоккею - 2007.
14.35 Хоккей. Товарищеский матч. Россия -
Австрия
16.40 "Туту Дракон"
17.30 Баскетбол. Кубок России. Мужчины.
Финал
19.20 Футбол. Обзор матчей чеш. Англии.
20.25 Футбол. 1/4 1/2 финала. "Манчестер
Юнайтед" - "Мидлс"
22.30 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.
23.10 Настурно ЧМ по хоккею - 2007.
23.30 Футбол. 1/4 1/2 финала. "Челси"
"Ливерпуль"
01.35 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.

Пайшанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. ФК "Москва"
"Мос" - ЦСКА
08.00, 10.00, 14.10, 17.10, 21.50 "Вести-
спорт"
08.10 "Туту Дракон"
08.45 "Рыбка с Радистским"
09.35 Футбол. Обзор матчей чеш. Англии.
10.10 Биллард. Гран-При городов
Евразии
12.10 Баскетбол. Кубок России. Мужчины.
Финал
14.15 Настурно ЧМ по хоккею - 2007.
14.30 Футбол. 1/4 1/2 финала. "Челси"
"Ливерпуль"

16.30 Дневник ЧМ по хоккею. Пролог.
17.20 "Точка отрыва"
17.50 Баскетбол. Чеш. Россия. Женщины.
1/2 финала.
19.3 "Рыбка с Радистским"
19.55 Баскетбол. Чеш. Россия. Мужчины.
1/2 финала.
22.00 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.
22.35 "Точка отрыва"
23.08 Дневник ЧМ по хоккею. Пролог.
23.40 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала.
"Севилья" (Исп.) - "Севилья" (Исп.)
01.40 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала.
"Эвертон" (Исп.) - "Вердер" (Гер.)

Жума

06.00 Баскетбол. Чеш. Россия. Женщины.
1/2 финала
08.00, 10.00, 14.20, 16.25, 21.40, 01.05
"Вести-спорт"
08.10 "Точка отрыва"
08.55 Современное пилотаже. Кубок мира.
10.10 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала.
"Кельн" (Исп.) - "Севилья" (Исп.)
12.15 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала.
"Эвертон" (Исп.) - "Вердер" (Гер.)
14.30 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.
15.35 "Рыбка с Радистским"
15.50 "Футбол России. Перез туром"
16.35 Дневник ЧМ по хоккею.
17.10 Хоккей. ЧМ. США - Австрия
19.40 Баскетбол. Чеш. Россия. Мужчины. 1/
2 финала.
21.50 "Вести-спорт. Местное время".
21.55 Хоккей. ЧМ. Россия - Дания
00.40 Дневник ЧМ по хоккею.
01.10 "Футбол России. Перез туром"
01.45 Хоккей. ЧМ. Белоруссия - Чехия

Шанба

05.50 Футбол. 1/4 1/2 финала. "Манчестер
Юнайтед" - "Мидлс"
08.00, 10.10, 14.10, 16.55, 22.15, 01.10
"Вести-спорт"


08.10 Хоккей. ЧМ. Россия - Дания
08.40 "Вести-спорт. Местное время".
10.45 "Летняя спорта"
11.20 "Футбол России. Перез туром"
13.50 Футбол. Премьер-лига. "Лун-
Энерджи" - "Динамо" (Мос.)
14.05 "Самый сильный человек". ЧМ по
силовому экстриму.
14.45 Футбол. Премьер-лига. "Томь"
"Зенит"
17.10 Хоккей. ЧМ. Швейцария - Латвия.
19.40 Дневник ЧМ по хоккею.
20.15 Баскетбол. Чеш. Россия. Мужчины. 1/
2 финала.
22.30 "Вести-спорт. Местное время".
22.35 Хоккей. ЧМ. Швеция - Италия.
00.25 Дневник ЧМ по хоккею.
01.15 Спортивная гимнастика. ЧЕ.

Якшанба

05.50 Футбол. 1/4 1/2 финала. "Челси"
"Ливерпуль"
08.00, 10.00, 13.45, 16.25, 20.35, 02.05
"Вести-спорт"
08.10 Спортивная гимнастика. ЧЕ.
Минералог. Мужчины.
08.10 "Точка отрыва"
09.10 "Вести-спорт. Местное время".
10.15 "Стрельба спортивная"
10.50 Хоккей. ЧМ. Россия - Украина
11.10 "Скорая Россия". А. Морозов.
13.55 Спортивная гимнастика. ЧЕ.
Открытые виды.
08.30 Дневник ЧМ по хоккею.
17.10 Хоккей. ЧМ. Чехия - Австрия
19.50 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.
20.50 "Вести-спорт. Местное время".
20.55 Хоккей. ЧМ. Россия - Украина
21.80 Дневник ЧМ по хоккею.
00.05 Футбол. Премьер-лига. "Кубин"
"Спартак" (Мос.)
02.10 Спортивная гимнастика. ЧЕ.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

PAINT ДАСТУРИДА ИШЛАШ



Paint дастурида ишлаш учун Пуск > Программы > Стандартные > Paint тартибида кирилади.

Paint дастури ойнасида куйидаги белгилар мавжуд:


- - «Выделение» — расминг бирор қисмини белгилаш.
- ☞ - «Ластик» — ўчирғич билан ўчириш.
- ☞ - «Выбор цветов» — ранг танлаш.
- ☞ - «Карандаш» — қаламни ишлатиш.
- ☞ - «Распылитель» — рангларни сепиш.
- ☞ - «Линия» — ҳар хил чизиқлар чизиш.
- - «Прямоугольник» — тўғрибурчаклар чизиш.
- - «Эллипс» — доирасимон шакллар чизиш.
- ☞ - «Заливка» — бўяш учун ранг тўқиш.
- ☞ - «Масштаб» — расмларни ҳар хил масштаб (катталиқ)да кўриш.
- ☞ - «Кисть» — ҳар хил «кисточка» (мўйқалам)лар билан ишлаш.
- ☞ - «Надпись» — матн ёзиш.
- ☞ - «Многоугольник» — турли кўпбурчакли шакллар чизиш.
- - «Скруглённый многоугольник» — овал шаклидаги тўртбурчаклар чизиш.
- ☞ - «Кривая» — эгри чизиқларни чизиш.

Paint дастури ойналари йўқолиб қолганда, меню қаторидан «Вид» Набор инструментов» ёки «Палитра» буйруғини берамиз.

(Давоми бор.)

15


КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ



«Хабар» газетаси тахририяти ва «Эффект-молия» ўқув-илмий маркази

EXCEL дастурида ишлаш


EXCEL ойнасининг кўриниши куйидагича бўлади:




EXCEL - дастури асосан 4 ойнадан иборат:

1. Строка меню.
2. Стандартная.
3. Форматирование.
4. Рисования.

«Строка меню» ойнаси



«Стандартная» ойнаси




- ☞ - «Автосумма» - натижани тез ҳисоблаш.
- ☞ - «Сортировка по возрастанию» - А дан Я гача сонларни ўсиб бориш тартибида саралаш.
- ☞ - «Сортировка по убыванию» - Я дан А гача сонларни камайиб бориш тартибида саралаш.
- ☞ - «Мастер диаграмм» - натижаларни диаграммалаштириш.

13

2. «Отправить» буйруғи орқали «Рабочий стол (создать ярлык)»ни босамиз. Натижада энг осон йўл билан «Ярлык» яратилади.

WORD дастурида ишлаш




WORD - дастурида ишлаш учун Пуск > Программы > Word тартибида кирилади.

Word дастурида асосан 4 ойна бор:

1. Строка меню.
2. Стандартная.
3. Форматирование.
4. Рисование.

«Стандартная» ойнаси




«Стандартная» ойнасида ҳар хил белгилар бўлиб, улар куйидаги вазифаларни бажаради:

- ☞ - «Создать» — янги саҳифа очиш.
- ☞ - «Открыть» — сақлаб қўйилган ҳужжатларни очиш.
- ☞ - «Сохранить» — ёзилган маттни сақлаб қўйиш.
- ☞ - «Печать» — ёзилган матнларни принтердан чиқариш.
- ☞ - «Предварительный просмотр» — ёзилган маттни ойнада кўриш.
- ☞ - «Правописание» — ёзилган матннинг хатоларини тузатиш.
- ☞ - «Вырезать» — маттни кесиб олиб, керакли жойга қўйиш.
- ☞ - «Копировать» — белгиланган маттни нусхалаш (кўчириш).
- ☞ - «Вставить» — матн нусхасини зарур жойга қўйиш.
- ☞ - «Отменить» — берилган буйруқни бекор қилиш.
- ☞ - «Вернуть» — бекор қилинган буйруқни яна қайтариш.
- ☞ - «Таблицы и границы» — җадвал чизиш ойнасини чиқариш.
- ☞ - «Добавить таблицу» — җадвал чизиш.
- ☞ - «Колонки» — варақни устунларга бўлиш.
- ☞ - «Рисование» — расм ойнасини чиқариш.

10


(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

1. «Копировать» буйруғини босамиз.
2. «Азиз» папкасини очамиз.
3. Курсорни ойнанинг буш жойига қўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини 1 марта босганимизда, кичик ойна чиқади.



4. Сўнг «Вставить» буйруғини берамиз. Натижада 3,5 дюймлик дискетдаги файлнинг нусхаси компютернинг доимий хотирасига кўчирилади. Компютернинг доимий хотирасидан файллар нусхасини 3,5 дюймлик дискетга кўчириш учун:

1. «Азиз» папкасини очамиз.
2. Папканинг ичидаги зарур файлнинг устига курсорни қўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини босамиз.
3. «Отправить» буйруғига курсорни қўйиб, «Диск 3,5 (A:)» белгисига ўтамиз ва «сичқонча»нинг чап тугмачасини 1 марта босамиз. Натижада компютер хотирасидаги файл нусхаси 3,5 дюймлик дискетга кўчирилади.




«Ярлык» яратиш

«Ярлык» яратишдан мақсад — кўп ишлатиладиган керакли файл ёки папкаларни «Рабочий стол»дан тўғридан-тўғри осонлик билан экранга чақиришдир.

Бунинг учун «Рабочий стол»да «Ярлык» яратамиз.

«Ярлык» яратиш учун:

1. Керакли файлга курсорни қўйиб, 1 марта «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини босганимизда, куйидаги кичик ойна чиқади:




«Форматирование» ойнаси



- «Объединить, поместить» - катакча (ячейка)ларни бирлаштириш.
- «Денежный формат» - пул бирликларини сонлар ёнига қўйиш.
- «Процентный формат» - сонлар ёнига % белгисини қўйиш.
- «Формат с разделителем» - бутун сонларга ажратиш.
- «Увеличить разрядность» - сонларга нол қўйиш.
- «Уменьшить разрядность» - нолларни камайтириш.

«Word» дастурида қандай жадваллар тузилса, «Excel» дастурида ҳам шундай жадваллар тузиш мумкин. Бунинг учун катакчаларни белгилаб, «Форматирования» ойнасини «Границы» буйруғидаги ни босиб чизамиз. Масалан: 5-сотилган маҳсулотлар рўйхати.



Амалий машғулот:

№	Товар номи	Сони	Нарх	Жами суммаси	7%
1	Компьютер	3	540000	-	-
2	Телефон	30	19000	-	-

Савол: Маҳсулотларнинг жами нархи қандай аниқланади?


Жавоб: Маҳсулотнинг сонга нархига кўпайтирилади, шунда маҳсулотнинг жами нархи аниқланади.

Формула:
=3*540000 ва Enter

Савол: Маҳсулот жами суммасининг 7% қандай топилади?

Жавоб: Маҳсулот жами суммасини 7га кўпайтириб, 100га бўламиз. Формула:
=540000*7/100 ва Enter


«Форматирование» ойнаси



«Форматирование» ойнасида ҳам ҳар хил белгилар бўлиб, улар куйидаги вазифаларни бажаради:

- «Стиль» — ёзув услубини ўзгартириш.
- «Шрифты» — ҳарфларни ҳар хил шрифтларда ёзиш.
- «Размеры» — ҳарфларни ҳар хил ҳажмда ёзиш.
- «Увеличить размер» — ҳарфларни катталаштириш.
- «Уменьшить размер» — ҳарфларни кичрайтириш.
- «Полужирный» — ҳарфларни қалин қилиш.
- «Курсивный» — ҳарфларни қиялатиб ёзиш.
- «Подчеркнутый» — ҳарфларни тагига чизиб ёзиш.
- «По левому краю» — маттни чап томондан тўғрилаш.
- «По центру» — маттни ўртадан тўғрилаш.
- «По правому краю» — маттни ўнг томондан тўғрилаш.
- «По ширине» — маттни икки томонидан ҳам тўғрилаш.
- «Нумерация» — қаторларга тартиб рақами қўйиш.
- «Маркеры» — қатор бошига белги қўйиш.
- «Уменьшить отступ» — маттни чап томонга суриш.
- «Увеличить отступ» — маттни ўнг томонга суриш.
- «Выделенный цветом» — ҳарфларнинг орқа томонига ранг бериш.
- «Цвет шрифта» — ҳарфларга ранг бериш.

«Рисование» ойнаси




«Рисование» ойнасида ҳам хил белгилар бўлиб, улар куйидаги вазифаларни бажарадилар:

- ҳар хил тайёр фигуралардан фойдаланиш.
- «Линия» - чизикларни чизиш.
- «Стрелки» - стрелкаларни чизиш.

- «Прямоугольник» - тўғри бурчақлар чизиш.
- «Овал» - доира шакллари чизиш.
- «Надпись» - ҳар хил фигураларнинг ичига курсорни киритиб, матнлар ёзиш.
- «Объект WordArt» - реферат туркумидаги ишларнинг муқоваларини безакли ҳарфларда ёзиш учун ишлатиш.
- «Добавить картину» - хотирадаги расмларни ёзилаётган саҳифага қўйиш.
- «Цвет заливки» - фигураларга ранг бериш.
- «Цвет линии» - фигураларнинг четларига ҳар хил ранглари бериш.
- «Цвет шрифта» - ҳарфларга ранг бериш.
- «Тип линии» - чизикларнинг турларини ўзгартириш.
- «Тип штриха» - чизикларни турли штрихларга ўзгартириш.
- «Вид стрелки» - стрелкаларни турли кўринишларга ўзгартириш.
- «Тень» - фигураларга соя (тень) бериш.
- «Объем» - фигураларга ҳажм белгилаш.

Агар буйруқлар жойлашган ойналар, яъни «стандартная», «форматирование», «рисование» ойналари йўқолиб қолса, уларни топиш учун: Вид>Панель инструментов буйруғига кириб, ойналар танлаб, «сичқонча»нинг чап тугмачасини 1 марта босамиз.

Матнларни кўринишида ёзиш учун: Дастлаб қалам билан тўртбурчақ чизиб оламиз. Кейин тўртбурчақнинг устига курсорни қўйиб, «Формат» менюсига кирамиз ва у ердан «Направление текста» буйруғини танлаганимизда, куйидаги ойна чиқади:



Сўнг маттни қандай кўринишда ёзиш лозим бўлса, у танланади ва ОК босилади. Натижада матнимиз танлаган кўринишимизга ўзгаради.

DIL IZHORI


AKT OLAMIDA

Дастурлаш тиллари

Ҳозирда кўплаб дастурлаш тиллари мавжуд бўлиб, улар қўлланмиш соҳасига қараб турлича бўлади, яъни ҳар бир соҳа учун мўлжалланган дастурлаш тили бор. Уларнинг бир нечасини санаб ўтиш мумкин. Масалан, C#, C++, Visual Basic, Java Script, Delphi ва бошқалар.

Замонавий дастурлаш тиллари орасида C# мукаммал тиллардан бири ҳисобланади. Бу тил C++ асосида келиб чиққан бўлиб, u.NET Microsoft платформаси учун яратилган ва объектли дастурлашга мўлжалланган. Унинг ёрдамида интернетда жуда оммабоп саҳифалар, сайтлар яратса бўлади ва яратилмоқда. C# муваффақиятининг асосий сабабларидан бири унинг бошқа дастурлаш тиллардан йўл қўйилган камчиликлардан холилигидир. Айти дамда республикамизда бу тил жуда кенг қўлланилаётган бўлиб, кўпгина корхона, фирма ва шунга ўхшаш муассасаларнинг талабларига тўлиқ равишда жавоб берапти, десак хато қилмаган бўламиз. Яъни,

бу тил орқали муассасаларнинг иш тартиблари, умумий ҳисоб-китоб ҳамда бухгалтерия ишларини бажарувчи, ишхона ва ишчилар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи лойиҳалар тўзилади. Лойиҳаларнинг асосий ютуғи шундаки, ҳисоб-китоб, бухгалтерия ишлари ёки шунга ўхшаш хизматлар компьютер томонидан бехато бажарилади. Бу эса, ўз навбатида, корхонани ортиқча сарф-харажат ва муаммолардан халос этади. Бундан ташқари, ишхоналарда иш суръатини оширади, ортиқча ишчи ўринларга ҳожат қолдирмайди ҳамда фойда кутилгандан юқори бўлади. Республикаимизнинг кўплаб вилоят ва туманларида бир



неча соҳадаги дастурлаш тиллари ўргатилмоқда. Бу эса, албатта, кишини қувонтиради. Дастурлашни мукаммал биладиган малакали ходимлар нафақат корхона, муассасалар, балки жамият ривожига ҳам катта ҳисса қўшади.

Руслан МУҲАММАДОВ,
ТАТУнинг ахборот технологиялари факултети талабаси

AJAX ТЕХНОЛОГИЯСИ

Веб-саҳифаларни яратишда кўплаб технологиялар ишлатилади. Улар орасида Ajax технологияси ўзининг имкониятлари ва қўлланиш қўламлигига қараб юқори ўринларда туради. Ушбу дастур ёрдамида яратилган веб-саҳифалар сони кундан кунга ортиб бормоқда.


Ajax ёрдамида яратилган саҳифанинг оддий веб-саҳифалардан фарқи жуда юқори. Оддий саҳифаларда серверга сўров юборилган, саҳифа тўлалигича қайта юкланади. Ajax ёрдамида яратилган веб-саҳифаларда серверга сўров юборилганда, саҳифанинг керакли жойларигина қайта юкланади. Бу юқори тезликни таъминлаб, вақтнинг тежаллишига ёрдам беради.

Ajax технологияси асосида веб-саҳифа яратиш катта қийинчилик туғдирмайди. Чунки, Ajax барча веб-дастурчилар билан JavaScript билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозирда Google компаниясининг Ajax ёрдамида яратилган бир неча машҳур веб-саҳифалари мавжуд. Улардан бири — maps.google.com бўлиб, саҳифа дунё харитасидан иборат. Унинг ёрдамида фойдаланувчи дунёнинг ихтиёрий нуқтасини ихтиёрий масштабда, 80 метргача яқинликда кўриш имконига эга. Googlening электрон почта учун яратилган яна бир веб-саҳифаси эса энг тез ишлайдиган электрон почта ҳисобланади.

Ўзбекистон дастурчилари ҳам Ajax технологиясини амалиётда кенг қўлламоқдалар. Ёш дастурчилар учун бу каби янги технологиялар таълим муассасаларида кенг ўргатиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нодирбек ЙЎЛДОШЕВ,
ТАТУнинг ахборот технологиялари факултети талабаси



Қўлимга қалам олсам...

1986 йилдан буён Шайхонтоҳур почта алоқаси тармоғида ишлаб келмоқдам. У вақтларда иш юриштишлар бошқача эди. Почта соҳасида ҳозиргидек янги технология, илғор телекоммуникация ва компьютер техникаси мавжуд эмасди. Ҳозирги кунга келиб халқаро почта хизмати йўлга қўйилган. Дунёнинг барча давлатлари билан почта алмашилмоқда. Алоқа бўлимларида почта хизмати кўрсатиш турларидан ташқари маиший хизматлар учун ҳам тўловлар қабул қилинапти.

Ишга янги келганимда қайси алоқа бўлимига ишчи керак бўлса, мени юборишарди. Бу соҳани мукаммал эгаллашимга сабаб бўлди. Ҳозирги кунда шу касбни танлаганимдан афсусланмайман. Уша вақтларда ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан соҳа ривожига катта ҳисса қўшган устозларим — В.Эгамбердиев, Ш.Шоҳалимов, З.Жалолов, Ю.Муҳамедов, Н.Раҳимов, Б.Раҳмонбердиев ва бошқалардан беҳад мамнунман.

Мақтабда ўқиб юрган кезларимда она тили ва адабиёт фанига жуда ҳам қизиқар эдим. Айниқса, эркин мавзудаги иншоларни жон-дилим билан ёзардим. Ҳозирда қўлимга қалам олиб озми-кўпми қоғоз қоралашим, мақолалар ёзишим балки шундандир.

Табиатан жуда таъсирчанман, теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бепарқ бўлолмайман. Кўрган ва эшитганларимни мулоҳаза қиламан, ён-атрофдагилар фикрларини эшитаман. Сўнгра бир хулосага келиб, уни оқ қоғозга тушираман ва кўпинча "Оила ва жамият" тахририятига юбораман. Бир неча йиллардан бери ушбу газета саҳифаларида мақолаларим билан қатнашиб келаман.

Шу йилнинг январ ойида "Хуррият" газетасида аёл журналистлар учун ташкил этилган "Атиргул-2006" кўрик-танлови ҳақида ўқиб, ушбу танловга мақолаларимни юбордим.

Танлов якунига бағишланган тадбирда мени голиблар қаторида эълон қилишганида севинганимдан ҳаяжонланиб кетдим. Буни сўз билан ифода эта олмайман. Бу ҳаётимдаги энг қувончли ва унутилмас кун бўлиб қолди ва мени яна ҳам кўпроқ ижод қилишга ундади.

Танлов голиби бўлганимдан хабар топган "Тошкент почтамати" филиали ва Шайхонтоҳур почта алоқаси тармоғи раҳбариятидан қутлов сўзларини эшитганимда, айниқса, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовдан табрик телеграммаси олганимда бошим кўкка етди. Мен ҳам шу жамиятда ўз ўрнини борлигидан, қолаверса, раҳбарият эътиборида бўлганимдан ич-ичимдан севиндим ва уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Келгусида «Xabar» саҳифаларида алоқа соҳасида меҳнат қилган фахрийлар ҳақидаги мақолаларим билан қатнашиш ниятидаман. Шу билан бирга, ушбу газетанинг мухлислари яна ҳам кўпроқ бўлишини истаб қоламан.

Шоира ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳри,
129-алоқа бўлими бошлиғи

НАМКАСBLARIMIZ

Шайхондор

Термиз туманининг "Халқобод" хўжалигидаги икки юзта хонадонга ўрнатилган телефон нуқталари бенефқсон ишлаб турибди. Бунда ўз касбининг устаси бўлган Жўра Пирлиевнинг хизмати катта.

... Мижозлар билан яқин муносабатда бўлиб ишлаш осон эмас. Олайлик, телефон хизматидан унумли фойдаланган одам, албатта, ҳисоб-китобни ҳам ўрнига қўя билиши керак. Акс ҳолда томонлар тошунмовчилик муҳити юзага келади.

— Шундай ҳолатлар энди бозор муносабатларига ўтилаётган бир чоғда рўй берди, — дейди Жўра ака

орзда қолган серташвиш кунларни эсларкан. — Биз билан мунозарарага бориб қолганларни ҳам тушуниш керак. Улар жамоа хўжалиги ҳисобидан яшашга, боқимандаликка ўргатиб қўйилган эди. Биз уларга алоқа соҳасида ҳам ислохотлар даври бошланганини батафсил тушунтирдик.

Натижада мижозлар нафақат хизмат ҳақи тўловларини вақтида ўтқа-



зишни, балки энди хонадон телефонидан зарур вақтда фойдаланишни ҳам ўргатишди. "Кетса давлатнинг пули кетади" деб хотамтойлик қилишлар барҳам топди.

Малакали мутахассис Шухрат Эсонниёзов раҳбар бўлиб келгач, Учқизил телекоммуникациялар боғламасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Энди ходимлар маошини ойма-ой оляпти, намунали хизмат қилаётганлар эса моддий-маънавий рағбатлантириб бориляпти.

Ўтган йили Жўра Пирлиев Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбининг устаси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу Жўра акани беҳад севинтириб

юборди. Беихтиёр оддий, ammo муборақ касби билан яна бир бор фахрлини қўйди. Қолаверса, у икки ўғли — Файрат ва Рустам хунарини эгаллаганидан мамнун. Дарвоқе, Жўра Пирлиевнинг турмуш ўртоғи Зуҳра Беркашева хунарманд. Опа етти фарзанднинг бири Ўқтамни ўзидек миллий хунармандчиликка ихлосманд қилиб тарбиялади. Ҳозир Ўқтам заргарлик буюмлари тайёрлаб, буюртмачилар ишончини қозонмоқда. Зуҳра опа эса ўзи бош-қабат цехда гилам тўқимоқда. Бу гиламлар ҳозирча 40дан зиёд келинкүвёв уйини безадди.

Ҳа, оиладаги тинч-тотувлик ва ишдаги муваффақиятлар алоқа ходими Жўра Пирлиев ҳаётига мазмун бахш этмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Xabar»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Бир кунни Ҳазрат Мусо алайҳиссалом Аллоҳга мурожаат қилиб, дедилар:

— Ё, Раббий! Адолатингни кўришни истайман.

Унга жавобан жаноби Ҳақ:

— Ё Мусо, олдиндаги тоғнинг эстагига бориб ўтир. Ўша ерда менинг адолатимга гувоҳ бўласан, — деди.

Ҳазрат Мусо ўша тоғ эстагига бориб ўтирди, Аллоҳнинг адолати қандай бўлишини кута бошлади. Шу пайт узоқда бир отлик кўринди. Мусо ўзини панасага олди. Отлик тўғри тоғ эстагидидаги чашма ёнига келиб, отдан тушди ва аввал отини суғорди. Сўнг белидаги камарини ечиб, ерга қўйди, мириқиб сув ичди, юз-кўзларини чайиб, ором олди. Чашма бўйида бироз ўтиргач, нимадир эсига тушиб қолди шекилли, сакраб отига миниб, йўлига равона бўлди. Камар ва унга илинган ҳамёнини эсидан чиқарди.

Адолат

Ҳеч вақт ўтмай йўлдан ўтиб кетаётган болакай чашмадан сув ичишга келди ва камар билан ҳамёнини аввал томоша қилди ва сўнгра белчасига айлантириб таққанича хурсанд бўлиб, сакрай-сакрай ўз йўлига равона бўлди. Орадан бироз вақт ўтиб, кўзи ожиз киши ҳассаси билан йўл топиб, чашмага келди. Тўйиб сув ичиб, энди ўтирган эди, узоқдан от чоптириб бояги суворий келиб қолди. Қўйган жойини, атрофни қараб камар билан ҳамёнини топа олмади.

— Шу ердан сув ичганимда олтин тўла ҳамёнини унутиб қолдирган эдим, — деди у кўзи ожиз кишига. — Уни кўрмадингми?

— Йўқ, ундай нарсани учратмадим, — деди кўзи ожиз киши.

— Бу ерга мендан кейин ҳеч ким келмагани аниқ, этик излари кўринмапти, — деди отлик, — Уни сен олгансан. Тезда қайтар ҳамёнини.

— Эй, бетавфик, ҳамёнингни мен қандай кўрай, кўзим ожиз бўлса.

Жаҳл отига минган отлик қамчи билан кўзи ожизни савалай кетди. Оғриқ зарбига чидай олмаган қария жон берди. Суворий қолган аламини отидан олиб, елдай учиб кетди.

Шу пайт Аллоҳдан нидо келди:

— Эй Мусо, кўрдингми, шу менинг адолатимдир.

— Ё, Раббий, бу адолат эмас, зулм-ку?! Ахир, ҳамёнини кўр эмас, бола олган эди-ку! — дедилар Ҳазрат Мусо.


— Ё Мусо, бу кўрганларингни ҳаммаси адолатимдир. Отлиққа ҳамёнини унутдирдим. Бола келиб ҳамёнини топиб олди. Адолат қарор топди. Чунки олтинлар болага тегишли эди.

Отлик боланинг отасидан олтин тўла ҳамён олган эди. Боланинг отаси ўлди. Отлик боланинг отасидан пул олганини билмайди, деб инкор этди. Пулни болага бермади. Кўр эса бир вақтлар отлиқнинг отасини ўлдирган, аммо бунга шохид йўқ, қотил бемалол юрарди... Ё, Мусо! Сен адолатини истаган эдинг. Мана, ҳозир бутун адолатим намоеён бўлди. Бола ҳақини олди. Отлик отасининг қотилидан қасос олди.

Қиссадан хисса: азизлар, қанча талашиб-тортишманг, бировнинг ҳақи бировда қилиб кетмайди. Кимнидир алдаганингиздан қувонманг, эртага бошқа кимсаннинг макрига учиб, пушаймонда қоласиз. Сизни биров ноҳақ йиғлатдими, ранжиманг, уни ҳам йиғлатувчилар бор. Омонатини ёдидан кўтарилган эгасига қайтаринг. Бировнинг ҳақи ҳеч қачон сизга буюрмайди. Барча қилган яхшиёмон ишимизни кўргувчи Зот бор. Унинг адолатидан ҳеч биримиз қочиб қутулолмаймиз, унутманг!

Гулбахор ҲАЙДАРОВА
тайёрлади

КРОССВОРД



asxabar@mail.uz

ЭНИГА:

5. Ижодий фаолиятини "Боқчасарой фонтани" ва "Кавказ асири" сингари поэмалар билан бошлаган машҳур адиб. 6. Отда жамоа бўлиб ўйналадиган қадимги спорт тури. 8. Шахмат сипоҳи. 11. Ҳарбий усул. 12. Ш.Ҳолмирзаев асари — "Сўнги ...". 13. Андижон вилоятидаги дарё. 16. Судралиб юрвчилар туркумига мансуб йирик йирткич. 17. Нефт қолдиги. 18. Ўрмон-тўқай жонивори. 21. Болалар ўйини. 22. Спорт қиличи. 24. Темза дарёси бўйидаги пойтахт шаҳар. 25. Фарбий Европадаги дворянлик унвони. 30. Ўзбек уруғларидан бири. 31. Ёғ "тегирмони". 32. Торли мусиқа асбоби. 36. Болқон яриморлидаги собиқ иттифокчи республика. 38. Аёллар тақинчоғи. 39. Ҳиндистон штати. 40. Ярим (тожикча). 41. Мумтоз адабиётдаги шеърӣ жанр. 42. Ўзбекистон муслмонлар идораси журнали.

БЎЙИГА:

1. Осиё ўйинларига мезбонлик қилган Жанубий Кореядаги шаҳар. 2. Австралиянинг йирик иқтисодий маркази. 3. Қадимда ва ўрта асрларда пул айирбошловчи. 4. Асли келиб чиқishi француз бўлган пошпалик буюк бастакор. 7. Ҳиндистон ва Покистон оралигидаги баҳсли худуд. 8. "Мунозара", "Ҳинд сайёҳи" сингари асарларни ёзган ўзбек ҳадиди, қатагон сиёсати қурбони. 9. Тўқ бинафшаранг буюк мода. 10. Россиядаги яриморол. 14. Буюк Британиянинг шимолий қисми. 15. Чўпон ити. 19. Республикамиздаги ахборот агентлиги. 20. Сўз туркуми. 21. "... ва денгиз" — Э.Хемингуэй асари. 23. Санъат. 26. Алишер Навоийнинг "Сабаи сайёр" достони бош қаҳрамони. 27. Қишда денгизга, ёзда денгиздан қуруқликка эсувчи шамол. 28. Ўрта Осиёдаги қадимги давлат. 29. Ҳамид Олимжон таваллуд топган шаҳар. 33. Шарқий Африкадаги давлат. 34. Ингичка арқон. 35. Электр сиғими бирлиги. 37. "Пахтакор" футбол жамоаси аъзоси.

Газетамизнинг 2007 йил, 6 апрел, 14-сонида берилган кроссворднинг жавоблари

ЭНИГА: 10. Домино. 11. Саида. 12. Иридий. 13. Эду. 14. Кондиционер. 15. Эхо. 18. Эртак. 19. Сотти. 20. Кабир. 22. Фобия. 24. Темир. 25. Бизон. 26. Итоат. 27. Синчи. 28. Бигиз. 30. Осмий. 37. Най. 38. Каллиграфия. 39. Абз. 42. Манам. 43. Измир. 44. Манише.

БЎЙИГА: 1. Кондор. 2. Вир. 3. Хокон. 4. Осува. 5. Ницца. 6. Барон. 7. Шифер. 8. Чин. 9. Микхат. 16. Ратификация. 17. Новосибирск. 21. Алеут. 23. Ишон. 29. Исмаат. 31. Ишбоши. 32. Батаг. 33. Элчин. 34. Агама. 35. Мапра. 36. Римма. 40. Ҳаж. 41. Она.

Ҳойдали Маслаҳатлар

▼ Сочларингиз сержило, мустаҳкам бўлиши учун ҳафтасига бир марта картошқадан ниқоб тайёрлаб суртиб туришингиз лозим. Бунинг учун ўртача катталиқдаги картошқани майда тишли қирғичдан ўтказасиз. Алоҳида идишда битта тухум сариғи, бир чойқошиқдан ўсимлик мойи, асал ва майда туз солиб яхшилаб аралаштирасиз. Аралашмага картошқани қўшиб, бошингизга суртасиз. Сўнг целлофан ўраб, 30-40 дақиқадан кейин ювиб ташлайсиз. Картошқали ниқоблар нафақат соч жилосини оширади, балки озиклантириб даволайди ҳам.

▼ Кийимдаги янги сиёҳ доғини кетказиш учун навшадил спирти ва ичимлик содасига бир оз сув қўшиб ювиш лозим.

▼ Қаҳва ва какао доғини эса илиқ сувга тенг миқдорда навшадил спирти қўшиб тозалаш мумкин.

▼ Мабелга қопланган матолардаги қирланган доғларни аччиқ чой билан тозаласангиз бўлади.

Табриклаймиз!


"Навоий Телеком" филиали жамоаси филиал ходимлари Турсун ОЛИМОВ ва Флюра КАМБУЛАТОВАларни туғилган кунлари билан чин қалбдан муборакбод этади. Уларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-иқбол, ишларида ривож ва оилавий тотувлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиал ходими Одилжон Уринов ҳамда Сароисийё туманидаги Тоқчиён алоқа бўлими бошлиғи Бахтиёр САФАРОВларни таваллуд кунлари билан табриклайди. Уларга узоқ умр, оилавий бахт тилайди.

"Сурхондарё Телеком" филиали жамоаси филиал оператори Муҳаббатхон ЖУРАЕВНИ туғилган кунни билан муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишларида муваффақият тилаб қолади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали Миришкор почта алоқаси тармоғи жамоаси хабарчи Юсуфжон РАҲИМОВНИ туғилган кунни билан табриклайди. Унга сihat-саломатлик, ишларида ривож тилайди.

Термиз шаҳрида ўтказилган VIII Халқаро турнир ва қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан 301 нафар курашчи йигит ва қиз қатнашди.



ГИЛАМДА КУЧЛИЛАР

Анъанага мувофиқ, таширнинг дастлабки куни улуг аллома Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси зиёрат қилинди. 13-14 апрелда эса Алпомиш ўйингоҳи минглаб муҳлислар олқишига тўлди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси садолари остида Халқаро турнир ва Жаҳон чемпионати байроғи кўтарилди. Сўнгра Сурхондарё вилояти ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов мусобақа қатнашчиларини табриклаб, мардлар майдонидаги беллашувда уларга омад тилади.

Икки кун мобайнида ким чакқон ва маҳоратли экани яққол билинди. Шундай қилиб кураш гиламида фақат энг кучлилар қолди. 60 килограмм вазнлилар орасида эронлик Мустафо Далериан ўзбекистонлик биродари Уткир Эгамовдан устун келган бўлса, 66 килограммлик вазн тоифасида юртдошимиз Олим полвон Равшанов ғолиб бўлди. Кейинги вазнлар беллашувлари ҳам Ватанимиз полвонларига шохсупанинг юқори поғонасини эгаллаш имконини берди. Сухроб Дўстов, Шокир Мўминов, Шерали Жўраев ва Фазлиддин Мейлиевлар маҳоратидан муҳлислар мамнун бўлишди. Бу полвонлар турнирнинг бош совринларини кўлга киритишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган мутлақ вазн тоифасидаги баҳсда жаҳоннинг 42 нафар полвони иштирок этди. Улар Ўзбекистон, Бразилия, Франция, Туркманистон, Англия, Жанубий Корея, Россия, Эрон, Венгрия, Украина, Греция вакиллари эди. Беллашувнинг финалида бразилиялик Александр Гудес Абдулла Тангриевга рўбарў келди ва полвонимиз маҳоратига тан берди. Абдулла Тангриевга бу гал ҳам Президент соврини — 10 минг АҚШ доллари насиб этди. У кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VIII Халқаро турнирнинг мутлақ чемпиони бўлди.

Қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида асосан етти мамлакат — Россия, Украина, Жанубий Африка, Ўзбекистон, Туркманистон, Туркия ва англиялик вакиллалар совриндорлар сафидан ўрин олишди. Туркиялик Самат Айнуэр, Гулшан Кочатурк ва ўзбекистонлик Ўғиллой Нуралиевалар жаҳон чемпиони бўлишди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VIII Халқаро турнир ҳамда қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ўзбек кураши нуфузи тобора ошиб бораётганлигини кўрсатди. Термиз шаҳрида полвон Абдулла Тангриев, Германиянинг Штутгарт шаҳрида эса машҳур боксчимиз Руслан Чагаев қозонган катта галаба мустақил Ватанимизни яна бир бор дунёга танитди, десак адашмаган бўламиз.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Шу йилнинг 5-8 апрел кунлари Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежининг ёпиқ аренасида мини-футбол бўйича «Ўзбектелеком» АК кўча кубоги мусобақалари ўтказилганидан газетхонларнинг яхши хабари бор.

Юқори савияда ўтган ушбу мусобақа футбол ишқибозлари учун қувончли дақиқаларни ҳаёда этган бўлса, деярли барча жамоалар («Тошкент Телеком»дан ташқари) мағлубият аламини тотиб кўришга мажбур бўлдилар. Бу табиий ҳол. Чунки ўйинда кимдир ютади, қолганлар эса, албатта, ютқизади. Бундай ҳолларда кўпчилик нимагадир ҳакамларни айбдор деб ҳисоблайдилар. «Йиқилган курашга тўймайди» деганларидек, жамоа жон-жаҳди билан ўйинга берилиб, футбол майдонида юз бераётган вазиятларга тўғри баҳо бера олмай қолади. Бу эса, ўз навбатида, ўйиндан кейинги баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади.

Шундай ҳолатлардан бири «Сурхондарё Телеком» ва «Бухоро Телеком» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган ўйинда юз берди: ўйин ҳисоби «Сурхондарё Телеком» фойдасига — 3:2 бўлиб турган ва ўйин тугашига атиги икки сония қолган бир пайтда, майдондаги бош ҳакам сурхондарёликлар дарвозаси томон жарима тўпини (дабл пеналти) белгилаш мақсадида хуштак чалинди. Лекин шу пайтда хронометрист ҳакамнинг ҳам ўйин тугаганини билдирувчи сигнали чалинди. «Сурхондарё Телеком» жамоаси ўйин вақти тугаганилиги сабабли ҳеч қандай жарима тўпи тепилмаслигини талаб қила бошлади. Шунда майдондаги бош ҳакам «Сурхондарё Телеком» жамоаси дарвозабони ҳамда «Бухоро Телеком» ўйинчисини жарима тўпини бажаришга чакирди ва қолган барча ўйинчилардан майдонни тарк этишларини сўради. Жарима тўпининг бажарилиши натижасида ўйин дуранг — 3:3 ҳисоби билан яқунланди. Ўйиндан кейин «Сурхондарё Телеком» жамоаси майдондаги бош ҳакам қарори нотўғри, деб мусобақа бош ҳакамга эътирознома берди.

Ушбу ҳолатни тўғри баҳолаш учун Халқаро футбол федерацияси — FIFAнинг мини-футбол қондаларига муножаат қиламиз. Унга кўра, 8-қонданнинг «Ўйиннинг давомийлиги» бандида: «Ўйиннинг ҳар бир қисми давомийлиги жарима тўпи (пеналти)ни тепиш учун узайтирилиши керак» дейилган. Демак, ҳакам бу ҳолатда тўғри қарор қабул қилган.

«Қорақалпоқ Телеком» — «ЎЗНЕТ» жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳам норозилик кузатилди. «ЎЗНЕТ» жамоаси дарвозабони ўз жарима майдончасидан ярим метр ташқарида рақиб ҳужумчисининг оёғига ташланди. Ҳакам дарвозабоннинг бу ҳаракатини «қоидага зид» деб топди ва жарима тўпини белгилади. Ҳакамнинг қароридан қониқмаган «ЎЗНЕТ» жамоаси аъзолари ўз норозилиklarини ноҳўй ҳаракат ва кўпол сўзлар билан билдириши натижасида ўйин 7 дақиқага тўхтатилди ва қизил карточка олган «ЎЗНЕТ» дарвозабони ўйиндан четлаштирилди.

Ушбу вазият бўйича айтиб ўтиш лозимки, мини-футболда рақиб оёғига ташланиш (подкат) қоидага зид ҳисобланади. Лекин дарвозабонга ўз жарима майдончасида рақибдаги тўпга ташланишига руҳбат берилади (фақат рақиб оёқларига ҳавф тугдирмаган ҳолда). Дарвозабон ўз жарима майдончасидан ташқарида дарвозабон эмас, балки майдон ўйинчисини ҳисобланишини унутмаслик керак.

Ҳакам сифатида ўйинни бошқариш ўта мушкул иш. Қўлига хуштак олиб ҳаётида бир марта бўлсин майдонга тушган инсон бунинг қанчалик тўғрилигини яхши билади.

Эсингизда бўлса, сўнги жаҳон чемпионатида Голландия ва Португалия жамоалари ўртасидаги ўйин жуда кескин кураш остида ва ўта кўпол тарзда ўтган эди. Бу ўйинни бошқарган россиялик тажрибали ҳакам Валентин Иванов ўйин давомида 16 марта карточка кўрсатишга мажбур бўлган. Бевоқифа стадионда ўйинни кузатган FIFA президенти Йозеф Блаттер ўйин тугаганидан сўнг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида Ивановни танқид қилиб, «Бу ўйинда бош ҳакамнинг ўзига карточка кўрсатиш лозим эди» деган. Икки кун ўтгач, Блаттер ўйиннинг видеоёзувини ўрганиб чиқиб, ўз нуқтаи назарини тўлиқ ўзгартиради. Хуллас, ҳакамга эътироз билдириш ва барча айбни унга ағдарилган осон. Лекин вазиятга тўғри баҳо беришни, ўйин қоидаларига нафақат ҳакамлар, балки ўйинчилар ва мураббийлар ҳам масъул эканлигини унутмайлик.

Суннат АБДУҒАНИЕВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси
марказий кенгашининг маънавият, маърифат ва
спорт ишлари бўйича мутахассиси

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲИЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
руйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва
суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан фарқланиши
мумкин.

Нашризмиздан кўчириб босилганда
«Хабар»дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрили-
гига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет ма-
териалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

353-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ,
Адали: 9584 нусха.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Аслиддин БҲРИЕВ.
Матн терувчи: Дюфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

ЭЪЛОН!

«Ўзбектелеком» АКнинг «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буёқ Ипак йўли кўчаси, 264-уйда жойлашган 1-кабел участкасига Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 1996 йил 11 сентябрда берилган кадастр рақами 2975777509 бўлган ерни рўйхатдан ўтказиш далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Руслан ЧАГАЕВ

Жами 24 жанг
Шундан 23 галаба (17 КО), 1 дуранг
Миллати ўзбек
Вазн тоифаси Суперогир вазн
Рейтинглардаги ўрни
WBC – 6-ўрин
WBA – чемпион
IBF – 10-ўрин
WBO – 3-ўрин
Клуби Universum Box-Promotion
(Германия)
Тренери Михаил Тимм
Проф. дебюти 1997 йил 21 август
Туғилган жойи Ўзбекистон, Андижон
Туғилган куни 1978 йил 19 октябр



БОКС ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўтган ҳафтада дунёнинг энг катта боксчиси, мағлубият нималигини билмай келаётган Николай ВАЛУЕВ чемпионлик камаридан ажралди. Бунга ҳамюртимиз Руслан ЧАГАЕВ сабабчи бўлди. Русланнинг ушбу оламшумул галабаси эвазига бокс тарихида янги саҳифа очилди.

Мутахассислар хали шу вақтгача жисмоний кўрсаткичлари бу даражада фарқ қилувчи боксчиларнинг чемпионлик учун рингга кўтарилганини ва унда айнан вазни ҳамда бўйи паст боксчи галаба қозонганини эслай олишмаганини таъкидлашмоқда. Шу пайтгача яримоғир вазндан оғир вазнга ўтган Майкл Спинкс ва Рой Жонсларнинг галабалари тилга олинарди, холос. Бироқ уларнинг жангларида ҳам рақиблар ўртасидаги фарқ бу даражада катта эмас эди.

си фойда бермади. Жангнинг ўрталарига келиб, Валуевнинг "Мен унинг ҳаракатларига улгура олмаганим", дея мураббийга қилган мувожаати барча масала ҳал бўлганидан дарак берарди.

Чагаевнинг тренер ва секундантлари эса унга ҳаммаси ажойиб кетаётгани ва шу ҳаракатларини давом эттиришини ўқитириди туриши. Айниқса, яна бир чемпиониимиз – Артур Григорянининг Чагаев ёнида туриши ва маслаҳатлар бериши унга янада куч бағишлади.

Жангнинг охириги раундлари ҳам қизиқарли ўтди. Ҳеч бир рақиб клинчга киришни ўйлаб ҳам ўтирмади. Кетма-кет зарбалар ва ниҳоят, сўнгги аниқ зарба ҳам

Руслан ЧАГАЕВ, WBA йўналиши чемпиони:

"Аввало, мени тинимсиз қўллаб-қувватлаб турган барча мухлисларим ва юртдошларимга миннатдорчилик билдираман. Мен уларнинг ишончини оқлашга муваффақ бўлганимдан бениҳоя хурсандман.

Бугун Николайнинг кўрсаткичлари олдида ожиз қолади, деганларнинг фикри хато эканини исботладим. Ҳа, мен кичкинаман, лекин бу мен учун аҳамиятсиз эканини ҳамма кўрди".

Чагаев томонидан амалга оширилди.

Бонг янграши билан Чагаев ўзини мураббийлари бағрига отди. У галабасига ишонганди. Нафақат у, балки жангни кузатган барча мухлислар ва ҳатто Валуевнинг ўзи ҳам Русланнинг чемпиони бўлганига шубҳа қилмасди. Лекин ён ҳакамларнинг биринчиси кутилмаганда 114:114 ҳисобини қайд этди. Бу қарорга бутун Porsche Arena норозилик овозлари билан жавоб қайтарди. Қолган икки ҳакам Чагаев ҳисобига 115:113 ва 117:111 очкосини берганидан сўнг ҳаммаси жойига тушди. Судя коментатори "WBA йўналишида янги ҳақон чемпиони!" дея эълон қилганида, соат тунги 3 бўлишига қарамай, юртимиз узра ҳайқиряқ кўтарилди: Руслан чемпиони! Руслан чемпиони!!!

Ўзбек ўғлонининг галабасидан кўнгли тоғ юрган ватандошларимиз унинг юртимизга ташрифини интизорлик билан кутишмоқда. Чемпиониимиз шарафига бошланган тўю-тантаналар ҳали узоқ давом этади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ҚЎЛИНГ ДОИМО БАЛАНД БЎЛСИН, РУСЛАН!

15 апрел, шанба куни сахарда Андижонда байрамлардагидек осмонни мушаклар шўъласи қоплади. Бу қаҳрамонимиз Руслан Чагаев шарафига берилган ўзига хос салютлар эди! Шаҳарнинг кичик туманларида, кўчаларида шодияналар, ҳайқиряқлар...

Ҳа, шу тун бутун Ўзбекистонликлар сингари андижонликлар ҳам ухлаганлари йўқ! Қўллаб мухлислар ўйларида, идораларда телевизорлар олдида хурсандчиликни бирга нишонлаш учун тўпланиб, тарихий лаҳзалар бошланишини кутиб ўтирдилар. Ёши катталар юртимиз фарзандининг фақат галабага эришишини тилаб қўллари доимо дуода бўлдилар.

Трансляция бошланганда биз унинг галабасини тилаб ўтирдик... Ниҳоят, рефери Русланнинг қўлини баланд кўтарди!

Мана, бугун юртимизда байрам. Андижон бокс мактаби тарбияланувчиларини бугунги кунда республикамизда кўнчиликлари танийди. Жаҳондаги спорт мухлислари эса Андижон шаҳри номини Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Сергей Михайлов, Ўткир Ҳайдаров каби чарм қўлқоп усталари тими солида биллишади.

Юртимиз шарафини кўтардида сени Яратганнинг ўзи ёрлақсин, Руслан! Доимо қўлинг баланд бўлсин!

Андижонлик мухлислар номидан Раҳмонжон УЗОҚОВ

Клаус-Питер Кол, Чагаевнинг промоутери:

"Бугун Николай Валуевага тўқилган афсона саробга айланди. Руслан унинг барча камчиликларини очиб ташлади. Бугун бокс галаба қозонди. Бугун буюк жанг бўлди".

Дон Кинг, Валуевнинг промоутери:

"Бугун мухлислар ва бокс юрди. Бу жанг яна суперогир вазига бўлган қизиқини кучайтирди. Энди жаҳон бокс ташкилотлари бор эътиборини жаҳонга ягона чемпиони тақдим этишга қаратишлари лозим".

Владимир Кличко, IBF йўналиши чемпиони:

"Афсус, Николай мағлубиятга учради. Бироқ гавда жиҳатидан анча кичкина бўлган спортчининг рақибини енгишини кузатиш жуда завқ бағишлар экан. Келгусида Чагаев ва унинг промоутери Клаус-Питер Колнинг режалари қандайлигини билмадиму, лекин бир-икки камар ҳимоясидан кейин мен билан рингга кўтарилишига қарор қилса керак. Бундай таклиф бўлса, мен тайёрман".



ЭНГ МОҲИР КАБЕЛЧИ ВА ЭЛЕКТРОМОНТЁРЛАРДАН ТУЗИЛГАН ЖАМОАЛАР ЎН КУН ДАВОМИДА "ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ АТСЛАРИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШДИ.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН ТАШРИФ БУЮРГАН ЖАМОАЛАР ОРАСИДАН ФОЛИБНИ АНИҚЛАШ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ УЧУН ОСОН КЕЧМАДИ...